


ОЛИМОВ Қ.Т.

ЕНГИЛ САНОАТ МАШИНА ВА АППАРАТЛАРИ




62
0-54

ОЛИМОВ К.Т.

ЕНГИЛ САНОАТИ МАШИНА ВА АППАРАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томониidan олий ўқув юртлирининг енгил саноат соҳасида таълим
олаётган талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.



Тошкент — 2001

Такризчилар: Тошкент Тухимчилик ва енгил саноат институти профессори, техника фанлари доктори, Жураев Анвар Жураевич, Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси институти «Енгил саноат технологияси» кафедраси доценти, Пулатова С.У.

Олимов К.Т. Енгил саноати машина ва аппаратлари. Ўқув қўлланма. Тошкент., ДИТАФ. 2001- 247 б.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг енгил саноат соҳасида таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда тикувчилик, пойабзал, чарм ва муйна ишлаб чиқариш саноатида қўлланиладиган жиҳозлар ва ускуналар, ярим автоматлар, тўғрисида умумий маълумотлар берилган, ҳамда уларнинг тузилиши, ишлаши ва созланишлари, ишчи органларининг параметрларини аниқлашнинг назарий усуллари баён этилган.

Ўқув қўлланмадан енгил саноати соҳасида таълим олаётган магистрлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

КИРИШ

Республикамиз ишлаб - чиқариш салоҳиятини, иқтисодини кўтарадиган рақобатбардош, жаҳон бозорига мўлжалланган, илм - фан ютуқлари асосида ишланган, харидоргир енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, енгил саноатни фан ва техника тараққиётига асосланиб энг муҳим, энг долзарб соҳага айлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Сўнги йиллар мобайнида мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳатк ҳужалигини, саноатнинг барча соҳаларини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, енгил саноатда бир канча тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари қайта қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди, қўшма корхоналар ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда тикувчилик маҳсулотларини ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш учун корхоналарни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни комплекс-механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик жараёнларни такомиллаштиришга онд ишлар олиб борилмоқда. Пойабзал ишлаб чиқариш саноатида кам операцияли технологияни, микропроцессор воситаларини кен қўлланилган автоматик бошқарувчи системаларни, пойабзал устки деталлари учун янги туқимачилик ва трикотаж материалларини, ҳамда автоматик ва ярим автоматик машина ва аппаратларни қўллаш кўзда тутилган.

Енгил саноат маҳсулотлари хилма-хил ва ўзгарувчан, технологик жараёнлари мураккаб саноат тармоқларидан бўлганлиги сабабли, шу соҳа мутахассисларидан доимий тадқиқотлар олиб бориш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг йлғор усулларини тадбиқ этиш, замонавий ускуналарни тўғри танлаш ва уларни такомиллаштиришга доир ишларни бажаришлари талаб этилади.

Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда енгил саноат соҳасида таълим олиб чиқадиган юқори малакали ва истеъдодли мутахассис кадрларининг янги техника ва технологияни чуқур билишлари, мутахассис ва тахлит кила олишлиги, ҳамда янгисини яратиш даражасига эга бўлишлари жуда муҳим бўлиб, муҳит талабига айланади.

Бунинг учун улар мутахассислик фанларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишлари керак бўлади.

«Енгил саноат машина ва аппаратлари» ўқув қўлланмаси тикувчилик, пойабзал ва чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган жихозларнинг тузилишлари ва ишлаш принциплари, уларда бажариладиган технологик жараёнларни ўрганишларига катта ёрдам беради.

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИ

Пойабзал тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, уни бажаришда турли технологик жиҳозлар ишлатилади. Бу жиҳозлар ёрдамида корхонада келтирилган хом-ашёдан кўп қатламли тушамалар килинади. пойабзал устки деталлари бичилади, остки деталлари чопилади, деталлар сифати текширилади, пойабзалнинг остки ва устки деталларига дастлабки ишловлар берилади.

Тайёрлов бўлимларидаги барча технологик жараёнлар механизациялаштирилган.

Тикувчилик буюмларини тайёрлов-бичиш бўлимида газламаларни тушириш, тушама қаватларининг четини қирқилиш, тушамани булакларга қирқилиш, деталларни қирқилиш, бичилган деталларни жамташ ва тикиш бўлимига жунатиш ишлари бажарилади.

Чарм-муйна, пойабзал ва тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида тери, газлама ёки бошқа материаллардан унумли фойдаланиш (чиқиндисиз) талаб этилади. Ҳозирги пайтда материалларни тежаш, улардан унумли фойдаланиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда.

Тайёрлов ишларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- а) меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни тайёрлаш ишларида технологик жараёнларни такомиллаштириш;
- б) материалларни қабул қилиш ва тайёрлаш ишларини кенг механизациялаш;
- в) қўл меҳнатини енгиллаштирувчи автоматик қурилмалар билан таъминланган машиналар конструкцияларини такомиллаштириш;
- г) меҳнат унумдорлигини оширувчи кичик механизациялашган мослама ва қурилмаларни яратиш;

1.1. Андазалар юзасини ўлчаш машиналари.

Андазалар катинлиги 0,9-1,2 мм каттиқ прессшпат картондан тайёрланади. Қўшимча андазалар картондан тайёрланган бўлса, атрофига тунука қопланади. Узок вақтгача узгармайдиган кийим деталларининг бичишга мулжалланган қўшимча андазалар эса дюралюминий ёки бошқа металл тунукалардан тайёрланади.

Тайёрлов ва бичиш ишларини автоматлаштириш муаммоси энг муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Бу ишларни комплекс автоматлаштириш устида кўпгина олий ўқув юртлири ва илмий текшириш институтлари тадқиқотлар ўтказиб, технологик комплекс воситасини янгилаб чиқдилар. Технологик комплекс воситаси "Силуэт" деб аталади.

"Силуэт" комплексини учта машинадан иборат бўлиб, "Силуэт"-С "Силуэт-К", "Силуэт-Р" дейилади.

"Силуэт-С" машинаси ЭХМ билан бирга қуйидаги ишларни бажаради:

а) андаза контурларини ҳисоблаб маълумотини автоматик ёки ярим автоматик равишда босиб чиқаради;

б) андазаларни керакли ўлчам ва ростга қўнайтириб, андаза юзасини ва андаза периметрларини ҳисоблаб, маълумотини босиб чиқаради;

в) андазаларни табиий катталиқда ёки керакли масштабда чизиб чиқаради;


г) кичиклаштирилган андазаларни қўллаб, бичишга мулжаллаб механикавий равишда дастур тузади;

д) танланган масштабда андаза контурини ёки андазалар жойлашмасини кўриб назорат қилиш учун уни график тарзида чизиб беради. "Силуэт-К" машинаси ЭХМда ёки бошқа қурилишда ҳисоблаб олинган андазаларни ёки андазалар жойлашмасининг исталган масштабда чизиб беради. Бундан ташқари "Силуэт-К" машинаси дастурлаштирилган бичиш машинаси "Луч"га боғлиқ бўлган жараёнларни бажаради ва қулла

туширилганда, олдин материални (коғозни) тортиб турадиган вакуум уланади, кейин ангилазар жойлашмаси чизила бошланади.

"Силуэт-Р" машинаси картон еки коғоздан ясаладиган андизатарини табний катталикида еки истатган катталикида киркиш учун мулжалланган.

"Силуэт-Р" нинг иш органи газли лазер булиб, асосий иш асбоби лазерли кесгичдир. Бу машина ҳам икки координатали сурилма система булиб, андаза киркиладиган материал куйилган кузгалмас стол устида харакатланади. Машинанинг конструкцияси 250-300Вт кувватда ишлайдиган ҳар қандай лазерга мулжалланган. Лазер 4 (2-расм,а) машина 1 дан ташқарига жойлашган булиб, дастурга караб, лазер нурини тўхтатиш учун, унга электромагнитли бошқарув тусик 3 ўрнатилган булади. Нурга нисбатан 45° бурчак остида жойлашган оғма кузгу 2 лазерни кесгич 5га нур узатиб беради.



2-расм. "Силуэт-Р" машинасидаги а-ишчи планшет билан лазернинг жойлашishi; б-лазерни кесгич.


"Силуэт-Р" машинасидаги кесгич (2-расм,б) асосий иш асбоби ҳисобланади. У ичи бўш тунтарилган конус шаклида бўлади. Кесгичнинг остки учини ингичкалашган ва диаметри 2 ммли тешиги бор соплло 1 дан иборат. Юқори қисмини эса орасидан газли лазер нури ўтадиган оптик линза 3 қўйиб герметик ёпилган бўлади. Қирқайтган зонадан материал 5 нинг қуйган маҳсулини ҳаво оқими ёрдамида соплло тешигидан чиқариб ташлаш учун, линза билан соплло орасидаги кесгич корпусига 0.5.10 Па бўксим остида ҳаво киритадиган резбали детал 2 маҳкамланган.

Газламалардан унумли фойдаланиш асосан андозалар юзасини тўғри ўлчашга боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтда корхоналарда ва моделлар уйида андозалар юзасини ўлчашда ИЛ фотоэлектрон машинаси ишлатилади. ИЛ маркали фотоэлектрон машинаси текис фигурадаги андозаларни ўлчаш учун мулжалланган. Бу машинада 100-550 мм узунликдаги ва 100-750 мм энди андозаларни ўлчаш мумкин.

Машинанинг техник кўрсаткичлари.

Меҳнат унумдорлиги, дона/соат.....	32
Каретканинг ҳаракат тезлиги, м/с.....	0,024
Андоза узунлиги, м.....	0,1-1,5
Андоза эни, м.....	0,1-0,35
Турел ваги айланишлар сони, айл/мин.....	235
Генератор гилдираклари айланишлар сони, айл/мин.....	1410
Электроюритгич: тури.....	AD-21-2
қуввати, кВт.....	0,27
қучланиш, В.....	220
Машина габарит ўлчамлари, мм.....	3750x1270x1140
Машина массаси, кг.....	650
Андозаларни ўлчаш аниқлиги, %.....	0,2-0,6

Ўлчанадиган андоза 4 қўзғалувчан стол 3 га жойлаштирилади. Стол остки қисмида ёппсимон тиркишли пулат лист маҳкамланган. Қўзғалувчан стол доимий тезликда 2 йуналтиргичларда бўйлама ҳаракатланади. Стол




3-расм. ИЛ фотоэлектрон машинаси кинематик схемаси

устки қисмига 5-ёртигич ўрнатилган бўлиб, ундан тушадиган ёруғлик оптик трубкаларга тушади. Трубкалар стол остида жойлашган турел вадига ўрнатилган (3-расм).


Турел - 8 трубкалар билан биргаликда доний бурчак тезликда айланиши. Турелнинг бир айланишида стол 4 см га силжиёди. Турелнинг айланиш ўқи вертикал текисликда бурчак остида жойлашган. Ҳар битта трубка кетма-кет айланма ҳаракатланиб, 80 см узунликда ва 1 см энти юзани улчайди. Турел бир тулиқ айланишида $4 \times 80 = 320$ см юза улчанади. Машинада турелнинг ҳар бир айланишида 320 импульс берувчи индукцион генератор мавжуд. Импульслар генератор кучайтиргичи орқали 10 фоторелега ва электрон ҳисоблагич 11 га узатилади. Табло - 12 кв. см да улчаш натижаларини курсатади. Стол-3, турел-8 ва импульслар генераторига ҳаракат тишли узатмалар системаси орқали берилади. Машинада бир сменада 200-250 дона андазалар юзасини улчаш мумкин.

1.2. Чару юзасини ўлчаш машиналари

Механикавий ҳисоблаш қурilmаси машиналарда чарм юзалари энга бир хил элементар тўғри бурчакларга бўлинади. Хар битта тўғри бурчакли юзатар ўлчаниб, йиғиндиси ҳисобланади. Ток манбаили ишлайдиган машиналарда хар бир тўғри бурчак узунлигига мос келадиган импульслар сони йиғиндиси ҳисобланади. 4-расмда чарм юзасининг ўлчашнинг принципиал схемаси кўрсатилган.



4-расм. Тери юзасини улгайтинчи
принципиал схемаси



5-рхэм. ЭКНМ-1
машинанынх
үлчлэл кувримаси

Датчиклар буйлама йуналишида ҳаракатланади. - Тери юзаси деб.
узунликдаги ва энли штирхланган тугри бурчаклар юзалари йиғинди
кабул қилинади яъни:

Юкори самарали ва аниқликка ҳисоблашни контакtsiz ўлчаш усули таъминлайди. Контактsiz ўлчаш усулида ўлчаш қурилмаси остида жойлаштирилган ёриткич нури тасвир купайтиргичга тушади. Ўлчаш машиналари вазифаларига кўра қуйидаги 2 турга бўлинади:

- 1) Каттик чармларни улчаш машиналари.
- 2) Хромли чармларни юзасини улчаш машиналари.

Механик таъсирида ишлайдиган машиналарга 07179/P1
07483/P2 ва 07485/P1 (Чехия) ППМ ва ММ-1 (Россия) лар кирди.
Хозирги пайтда чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида ток
манбаида ишлайдиган МЭИ-1625 ва ЭКИМ-1 типдаги машиналар кул
қулланилади.

ЭКИМ-1 машинаси автоматик ўлчаш қурилмаси бўйлаб қаттиқ тери
юзатарини ўлчашга муволажалланган. Бу машина қўидаги тартибда
ишлайди. Ўлчанадиган тери 3 (5-расм) 9 конвейр ёрдамида 10 ва 6
ҳаракатлантирувчи валларга узатилади. Ўтаётган тери остидаги ёруғлик
узатгичлар коронгилаши натижасида генератордан келаётган импульслар
ўлчаш қурилмаси ёрдамида саналади.

Харакатлантирувчи вал айланмиш частотаси ва генераторлар им-
пульслари частотаси шундай танланганки, тери юзаси ҳар бир так-
симланган элементига битта импульс туғри келади. Электрик қурилма
тулик квадрат диаметрдаги импульсларни ҳисоблаб, натижаларини босмага
чиқарувчи қурилмага узатади.

Терини суриш механизми 9 конвейр 10 ва 6 ҳаракатлантирув
валлардан тузилган. 10 - остки вал кирмаксимон редуктордан ҳа-
ракатлантирилади. Устки вал 6 эса занжирли узатма орқали остки вал
билан боғланган.

Датчиклар сифатида фотоэлектрон кўчайтиргич 5 - ёруғлик
узатгичлари қўланилган. Ёруғлик узатгичлар юқориги қисми 10 ва 6
валлар ўзаро тегадиган йуналиш бўйлаб жойлаштирилган. Устки қисми
эса қўзғалмас диск 4 га ўрнатилган. Импульслар генератори 13
кирмаксимон редуктор ўқиға маҳкамланган. 3 - ротор, 14 ёритгичли 16
фотоэлементлардан тузилган. 3 қаторға 15 ёруғлик узатгич маҳкамланган
бўлиб, унинг бир томони 5 қўзғалмас ёруғлик узатгичларға, иккинчи
томони кирмак ўқиға қарама-қарши жойлаштирилган.

Импульслар генератори ва тасвирли кўпайтиргичлар ток манбаи
орқали ҳисоблаш қурилмасига уланган.

1.3. Материалларнинг энини, узунлигини ўлчаш ва нуксонларини аниқлаш машиналари

Материалнинг энини, узунлигини ўлчаш ва нуксонларини аниқлаш тайёрлов бўлимининг асосий технологик жараёнларидан бири ҳисобланади.

Тайёрлов бўлимларида материалларнинг муайян қалинлиги ва кенлигига мосланган механизациялашган РС-1, РС-2, ПРС-140, ПРС-160 каби нуксон топиш-ўлчаш станокларининг турли типлари ишлатилади.

Материалларнинг узунлигини ўлчаш.


Ҳозирги пайтда материалларни ўлчаш ва нуксонларини аниқлаш машиналарига қўйиладиган асосий талаблардан бири ўлчаш аниқлигидир. Узунлигини ўлчаш билан бир вақтда нуксонларини аниқлашда материал текшиги 0.15-0.25 м/с дан ошмайди. Факат материалнинг узунлигини ўлчаш машиналарида эса 0.65-0.85 м/с га етади.

Материал узунлигини ўлчаш аниқлиги машина ишлаш принципига ҳам боғлиқ бўлади. Машиналар конструкциялари турли бўлса ҳам ўлчаш механизмлари 6-расмда кўрсатилган иккита принципнинг бирида ишлайди.

Биринчи принципда (6-расм, а) ишлайдиган машиналарда ҳаракатлантирувчи орган ўлчаш вазифасини бажаради. Узатиш валининг ўқи ёзиш қурилмаси билан кинематик боғланган бўлиб импульслар ҳисоблагичи вазифасини бажаради. Биринчи принципда кинематик занжир ўлчаш органининг бурчак силжишини ҳисоблагичга узатади.

Иккинчи принципда эса бурчак силжишини импульслар сонига айлантиради. Биринчи принципда ишлайдиган материал узунлигини ўлчаш қурилмаларида ҳаракатлантирувчи орган ва салт айланишни ҳисоблаб берувчи қурилма орасида кинематик туташув бўлиши лозим.

Узунликни ёзиб бориш учун фотореле ёрдамида ишлайдиган электр занжирли импульс ҳисоблагич қўлланилади.



6-расм. Материал узунлигини ўлчаш механизми схематари

Иккинчи принципда ишлайдиган қурилмада ўлчаш органи бўлиб ҳисоблаш ғилдираги хизмат қилади (6-расм.б). Ҳаракатлантирувчи валиклар 3 газламани силжитиб, ҳисоблаш ғилдираги 4 ни қисди ва уни айланishiга мажбур қилади. Газламани йўнаттириш учун эркин айланувчи ролик 2 ва пружина 1 қўлланилган. Газлама тугагандан сўнг, ҳисоблаш ғилдираги ўз инерцияси ёрдамида айланмаслиги учун автоматик тухтатиш қурилмаси ўрнатилган.

Газлама билан ҳаракатлантирувчи вал ва ҳисоблаш ғилдираги орасида кераклик қисмини таъминлаш, узунлик ўлчаш қўрилмаларига қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳисобланади (6-расм.а) ва (6-расм.б). Газлама ва ўлчаш органлари орасидаги ишқачаниш коэффициентни ошириш мақсадида ҳаракатлантирувчи валикларга ва ҳисоблаш ғилдирагига резина ёки кардолента ўрнатилган. Газламалар узунлигини цилиндрлик ғилдирак ёки валикларда ўлчаш мобайнида спираланиш натижасида унچов хатоликлари юзага келади. Ўлчаш хатоликлари газламанинг спираланишига, унинг таранглигига ва қалинлигига боғлиқ бўлади. Газлама билан цилиндрлик ўлчаш органлари ўзаро таъсир схемасида қўриб чиқамиз.

Ўлчанаётган газлама қалинлиги δ , ғилдирак ёки валикнинг радиуси R_K , ўлчаш қисмларида таранглик S бўлсин (7-расм).

Агар ўлчаш вақтида ҳисоблаш ғилдираги m марта айланган бўлса, у ҳолда ҳисоблашда қуйидаги узунлик ёзилади:

$$L_n = m \cdot 2\pi R_K$$

ўлчанаётган газлама ҳақиқий узунлиги эса қуйидагича топилади:

$$L_s = m \cdot 2\pi\rho, \text{ бу ерда } \rho = R_n + \delta/2 \text{ ёки } L_s = L_n \frac{\rho}{R_n}$$

Газтаманинги ўлчаш қисмидаги тортилган ҳолда суртилиши унинг нисбий узунлигининг $\varepsilon = S_n / EF$, ҳисобга оласак. У ҳолда ўлчаш пастининги ҳақиқий узунлиги $L_s = L (1 - \varepsilon)$ га тенг бўлади.

Ўлчашнинг абсолют хатолиги қуйидагича аниқланади:

$$\Delta L = L_n - L_s, \text{ ёки } \Delta L = L_n \left(1 - \frac{\rho}{R_n} + \frac{\rho}{R_n} \varepsilon \right).$$

олинган ифодаларни таҳлил қилиб, қуйидагини аниқлаш мумкин.

Агар $\frac{\rho}{R_n} > 1 + \frac{\rho}{R_n} \varepsilon$ бўлса, - хатolik манфий ҳисобланади, яъни ўлчашдан ўзгариш ҳақиқий узунликдан кам бўлади.

Ўлчаш хатолигини камайтириш учун ўлчовчи ёлдирак еки вилкининг номинал диаметрини газлама қаллиғлигини ҳисобга олиб аниқлаш мумкин. Шу мақсадда РС-1 ва РС-2 каби станокларда диаметрини уғартирувчан қурилмани ўлчаш ёлдирак еригида газламани ҳаракатлантирилган қурилмаларда - μ ишқалынинг

коэффициентини, газлама ва ёлдирак таъсирланиш бурчаги α ни туғри танлаш лозим. Ўлчаш эса минимал S_n куч таъсирида амалга оширилетсин.



7-расм. Материал ва ўлчаш органларининг ўзаро таъсири

Газлама ҳаракатланишида, ёлдиракка таъсир қилувчи кучларни қуриб чиқамиз (7-расм). Ёлдирак айланма ҳаракатида таъминлаш учун қуйидаги шарт бажарилиши керак.

$$S_1 R_n = S_0 R_n + M_c$$

S_1 куч қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$S_1 = S_0 e^{\mu\alpha}$$

$$\text{бу ерда: } e^{\mu\alpha} = 1 + \frac{M_c}{R_n S_0}$$


$$\mu\alpha = \ln \left(1 + \frac{M_c}{R_n S_0} \right)$$

Олинган профдан S_p нинг рухсат этилган қийматларига боғлиқ ҳолда ва μ параметрларини таълаш мумкин.

Материалларнинг эини улчаш.

Замонавий улчаш ва нуксонларини аниқлаш машиналарида материалнинг эини контактеиз фотозлектрик усули қулланилган. РС-1, РС-2 станокларида газлама 10 юкоридан пастга ҳаракатланиб, ёритгич 6 ва айланувчи винт 9 орасидан ўтади. Винт 9 айланма ҳаракатни электромагнит муфта 7 дан олади. Винтда кронштейн 1, гайка 8 ҳамда уларда ўрнатилган 2,3 ва 4,5 фотокаршилликлар жойлаштирилган. 2 ва 5 фотокаршилликларга ёруслик тушмай қолганда ёки 3 ва 4 фотокаршилликларга ёруслик тушиб бошлаганда электромагнит муфта электрокиска туташуви содир бўлади.

Газлама эини ўтариши билан фотокаршилликлар силжий бошлайди ва винтсимон валнинг бурчак силжийи ҳисоблагич 11 да қайд қилинади.




8-расм. Материал эини
улчаш механизми


9-расм. РС-2 машинаси ишчи органлари

Москва экспериментал механика заводи ишлаб чиқарадиган нуксон топиш-улчаш станогининг ишлаш принципини қуриб чиқамиз. Станокда пайванд конструкцияли корпус бўлиб, унга қия жойлашган назорат тахтаси 18 (10-расм) маҳкамланган. Тахта 18 да ойна 17 ёпиб турадиган

дарча бўлиб, материал шу дарча орқали люминесцент лампалар 19 ёрдамида таг томонидан ёритилади. Юқоридан ҳам материал ёриткич 14 даги люминесцент лампалар ёрдамида ёритилади. Материал ролони 7 ном 8 га қўйилади ёки скалканинг айланишини енгиллаштирадиган туртта шарикли подшипниги бор иккита таянч 9 да айланиб турадиган скалкага кийдириб қўйилади. Даста 15 ни буриб, қисувчи валик 11 ташувчи валик 10 дан узоклаштирилади ва улар ўртасидаги ораликка материал учини киритилади. Кейин кўтарилиб қўйилган қискич 12 ни вал 13 да юқори томонга буриб туриб, материални штанга 16 устидан ўтказиб, назорат тахтаси 18 бўйлаб тортила бошланади. Материал учини пастга томон олиб тушиб, скалкага ўралади-да, уни йўналтиргичлар 23 ва 2 нинг паъзариغا киритилади. Машинанинг ўнг томондаги панель тағидаги қнопкати переключатель ёрдамида нуксон топиш-ўлчаш станогини электр манбаъга улашади. Педаль 25 босилса, станок ишга тушиб, материал юқоридан пастга томон суриლა бошлайди. Остки ташувчи



10-расм Нуксон топиш-ўлчаш станогини



Нуксон топиш-ўлчаш станокларининг бошқа турлари бир қават
икки қават материалларнинг, китоб кириб тахланган ва рулон ки
ўралган материалларнинг нуксонини топиш имконини беради. Ма
риалнинг сурилш тезлигини улардаги расмлар мураккаблигига
туқимачилик нуксонлари сонига қараб 10-24 м/мин оралиғида ўр
тилади. Станоклар педал ва кнопка ёрдамида бошқарилиши мумкин. И
катор тикувчилик корхоналарида материаллар усти силтик, бундан
қўндаланг линейкалари бор бўли 3 м ли ўлчаш столларида ўлчангани
нуксонлари аниқланади. Ўлчанадиган материал механик восита
ёрдамида столнинг узунасига сурилади, бунда электромеханик белгилар
материалга ҳар 3 м да бўр билан белги қўйиб боради. Материалнинг
линейка бўйича ҳар 3 м да текширилади. Нуксон топиш ва матер
рулонини ўлчаш натижалари рулон паспортига ёзиб борилади ва
паспорт тушама қаватларини ҳисоблаб чикувчиларга берилади.


Ыйчиладиган материалнинг ва булажак кийимнинг турига қараб.

Сулacha тагликлар жавонлардан электр ташин воситаси ёрдамида билини, узунлигини улчаш ва нуқсон топиш машинаси 4га, ундан кейин лаъза ҳар қайси туп алоҳида улчаш машинаси 5 га ўтказилади. Нуқсон топиб ва улчаб булинган материал узинорар аравачалар 6 ёрдамида ралеватор 7 га ортилади. Элеваторлар катори бўйлаб ўрнатилган транспортёр 8 туширилган рулонларни улчаб-кирқиш машинаси 9га ўтказиб беради. Бу машинада аниқ узунликда кесилган галама бутаклари механизациялаштирилган тушаш столи 10га ўтказилади. Тушамга тапёр бўлгандан кейин кирқиш столи 11га берилади.

Тушамнинг кирқиб олинган қисмлари кирқиш столи устига қоп- қилинган узатиш қурилмаси ёрдамида лентали бичиш машинаси 12 га ўтказилиб, унда текислаб қиркилади.


Материалларни тушаш ишларида турли машиналар ишлатилади. Шулардан бири ПНК ярим автоматик тушаш комплекси. ПНК тушаш комплекси текис тушама столи, автоматик тушаш машинаси, узлама урамлари элеватори, тушалаётган газламани қиспиш линейкаси, тушамани қиспиш қурилмаси ва чеклаш линейкаларидан тузилган тушама столи-2 қаркас-3 га ўрнатилган бўлиб, остида занжирли конвейер-7 бўйлашган. Тушаш қареткаси 5, қискич 4 ва тушама чеккатарини

текнисташ қурилмаси билан биргагида йунаттиригичларда ҳаракатланади. Каркаста кесиш қурилмаси 1 ва чеклаш линейкаси мавжуд. (12-расм).



11- расм. Механизацияштирилган комплекс қаториниғ умумий схемаси

Тушаи қаретқасининиғ қирқини қурилмаси урнатилган қисмин, тушаманинғ охири маҳқамланади. Қаретка стол устида ҳаракатланиб, материални урамдан ажратади ва тушайди. Қаретка чеклаш линейкасиға яқинлашганда 3 марта тезлигини камайтиради ва тўхтайди. Материалиниғ бошланғиш қисми автоматик равишда линейка ёрдамида кистирилади ва қаретка газлама чеккаларини тўғрилаб, ортға ҳаракатланади. Қаретка олдинги ҳолатига тўхтаганда тушаме қирқилади. Тушамаларни юзма-юз тушаганда газлама 180° га айланттирилади.



12-расм. ПНК ярим автоматик тушаш комплекси


Материални машинада тушаш сифати янада яхшироқ бўлсин учун уни янги йул билан тушаш ишлаб чиқилди. Машинада тушашдаги бу янги йулнинг моҳияти шукидан иборатки, унда маълум узунликдаги тушама каватлари олдин кесиб олиниб, кейин тушалади. Шу мақсадда махсус ўлчаб-қирқиш машинаси ясалди (13-расм). Унда қирқилаётган тушама каватига газлама рулоннинг массаси ўзгариб туриши таъсир этмайди, материал стол ёки экран сатҳига ишқаланмайди, ўлчаш пайтида материал каватига таъсир этаётган кучлар ўзгармас бўлади.

Ўлчаб-қирқиш машинасида рулон ўрамини очиш механизми 1, транспортёр 2, қирқиш механизми 3 ва узунлик ўлчаш ҳисоблагичи 4 бўлади.

Ўлчаб-қирқиш машинасининг аравачаси +5 мм хатога йул қўйиши мумкин. Тушаш учун қирқилаётган газлама каватлари узунлигини белгилашда буни ҳам ҳисобга олиш керак.


Баъзи газламалар ўлчаб қирқиш машинасида қўзилиши мумкин. Қўзилиш даражаси газламанинг турига боғлиқ. Лекин у ҳеч қачон нормадан ортиқ бўлмайди.

Ўлчаб-қирқиш машинасида мўлжалдаги узунликка нисбатан йул



13-рasm. Газламани ўлчаб қирқиш машинасининг схемаси.

қўйилган қўйим ҳамма вақт ҳисоб картасида назарда тутилганидан кам бўлади. Шунинг учун бу машинада газлама купрок тежатади. Тажрибатар ўлчаб-қирқиш машинасидаги қўйим олатидагига нисбатан 25-50 % кам бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Ўлчаб-қирқиш машинаси газлама текисроқ қирқилгани сабабли, қирқим потекислиги натижасидан чиқиндилар 2-2,5 марта камаяди. Ўлчаб-қирқиш машинасида тайёрланган каватларни тушаш учун эса МНТ-2-00-000 тушаш машинаси (13-рasm) ишлаб чиқди. Бу машинада тушма каватларининг узунлиги, урамнинг массаси кабилар тушаш учун сарф буладиган кучга таъсир этмайди.



14-рasm МНТ-2-00-000 тушаш машинасининг схемаси.

Материаллар бундай тушалганда, ҳар қайси тушаш столининг "маҳсулдорлиги" ортиб, зарур столларнинг умумий сони анчагина камаяди, чунки бу машинада фақат қирқилган қаватларни тушашнинг ўзи учунгина вақт кетади. Қаватларни қирқиб, тушамада уларни текислаш, милқларини туғрилаш каби ҳамма операциялар тушаш жараёни билан бир вақтда бажарилади.

МНТ-2-0-00 машинасида ташиш тасмалари 1 газлама 2 ни каретка 3 ёрдамида торта бориб, тушама 4 га тахлайди (14-расм).

Бу машина газламани юзма-юз ва кетма-кет усулларда тушатиш имкониятига эга.



II - БОБ. БИЧИШ ИШЛАРИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ЖИХОЗЛАР

2.1. Бичиш усуллари.


Пойабзал маҳсулотларини тайёрлашда асосий технологик жараёнлардан бири материалларни бичишдир. Материалларни бичишда механикавий, тоқ манбаи, химиявий ва иссиқлик энергияларидан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда пойабзал корхоналарида материалларни бичишнинг турли усуллари қўлланилади (2.1-схема).



2.1-схема. Бичиш усуллари

Кесиш механизми механикавий, термик ва термомеханик характерлиги бўлиши учун материалга таъсир кўрсатиш жараёнига қараб бичими усуллари 3 та асосий турга ажратиш мумкин: механикавий, термофизикавий ва термомеханикавий. Материалларни механикавий

бичиш усулида материал махсус ишчи асбоблар (катоклар, валиклар, кескичлар ва қўзғатувчан пичоклар) ёрдамида кетма-кет деформацияланиб қирқилади. Термофизикавий усулда бир хил қўриқинишдаги энергия ёрдамида таъсир қўрсатилиб материал қирқилади. Термомеханик усулда бир нечта энергиялар қўлланилиб, материалга таъсир қўрсатилади. Материалларнинг бичиш усуллариининг асосий хусусиятлари туғрисида тўхталамиз.



15 - расм. Материяларнинг бичиш усуллари

Материалларни бичишнинг катокли усулида ишчи асбоб сифатида кескичлар қўлланилади (15-расм, а). Бу усулда плита 4 устига жойлаштирилган материал 3 нинг юқориги қисмидаги кескичлар 1 нинг устки юзаси бўйлаб каток 3 лар босим остида ҳаракатлантирилади. Демак, бичиш паралел - кетма-кет усулда амалга оширилади. Бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки, катокларнинг ҳаракати пайтида кескичлар материалга нисбатан силжиши натижасида қирқиш аниқлиги пасаяди. Қирқиш сифатини қуйидаги усул қўлланилганда анча ошириш мумкин, яъни каток 3 плита 4 га (15-расм, б) ўрнатилган кескич 1

ларининг устига жойлаштирилган материал 3 бўйлаб ҳаракатлантирилганда кескиннинг материалга нисбатан силжиши анча камаяди.

Валикли усулда материалларни қирқиш кесиш 2 ва қисувчи 3 валиклари ёрдамида амалга оширилади (15-расм, в). Материалларни валикларда бичиш усули сирпантириб бичиш усулига бир қадар ўхшашдир. Бунда бичиладиган газлама айланиб турадиган иккита валик орасида утказилади. Валиклардан бири қирқадиган, иккинчиси эса газламани босиб турадиган бўлади. Қирқадиган валикка бичиладиган деталларга мос шаклда пичоклар терилади. Валикларда бичиш усулининг афзалликларини ҳолатда қўйиб. Бунда технологик жараёнларни узлуксиз қилиш, бичишни автоматлаштириш, бичилган деталларни ва чиқиндиларни чиқари олишни автоматлаштириш, материаллар узатишни механизациялаштириш оsonлаштирилади.


Валикларнинг кесувчи юзларини таяёрлаш ва қайта тиклаш мураккаб бўлганлиги учун, бу усул ишлаб чиқаришда кенг тарқалмаган.

Штамповка усулида пойнабал деталлари пуансон 2 ва матрица кўрпнишидаги асбоблар ёрдамида қирқилади (15-расм, г). Материал матрица ва пуансон орасида жойлаштирилиб, пуансон 2 га таъсир кўрсатилади. Бу усулда ҳам қирқиш аниқлиги пастлиги ва материалнинг деформацияланиши, ишчи асбобни таяёрлаш мураккаблиги туфати билан энгил саноатда кам қўлланилади.


Ҳозирги пайтда материалларни ниҳоятда катта босим кучи билан отилиб чиқаётган ингичка сув оқимида қирқиш усули ҳам синая кўрилувчи. Сув заррачалари (сув билан полимер аралашмаси) 0,075 - 0,3 мм диаметри соплодан 350 м/с тезликда 70 - 350 МПа босим остида узатилади. Кесиш тезлиги 0,4 м/с. Бу усулда қирқиш сифати оширилган бўлиб, бичиш жараёнини автоматлаштириш мумкин.

Материалларни контактсиз усулда ҳам қирқиш мумкин. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, механик усулда қирқиш асбобларнинг материал бевосита тегиб туриши шарт бўлса, механик бўлмаган усулда

газламага қирқиш асбоби бевосита тегиб турмайди. Шунинг учун бу усул контактсиз қирқиш усули дейилади.



16 - расм Материалларни лазер нури билан қирқиш усули



17 - расм Материалларни электр учқунини билан қирқиш усули

Қатор илмий текшириш институтларида материалларни лазер нури билан қирқиш юзасида тадқиқотлар утказилди. Бу усулда материал 4 га лазер нурларини йўналтирувчи оптик кескич 3 йўналтиргич 5 да ҳаракатланади (16-расм). Материал стол 2 билан биргаликда горизонтал йўналтиргич 1 бўйлаб кескич силжишига перпендикуляр ҳаракатланади. Иккала ҳаракат ҳам дастурлаштирилган бошқарув системали қадамли электр юритгичи ёрдамида амалга оширилади.

Бичишнинг плазмали усулида материални қиздириш ва қирқишда микроплазма ёғи ишлатилади. Бу усул асосан бир қатламли материални 0,3 м/с тезликда қирқишга мўлжалланган.

Материалларни контактсиз бичиш усулларида яна бири электр учқунларидан фойдаланиш усулидир. Электр учқуни билан бичиш усулида плита 1 га жойлаштирилган материал устига графит чизик чизилиб, унга электрод уланади. Иккинчи электродлар барабан 2 га ўрнатилган.

Электродтарга юкори кучланишли ток берилса, материал бутун графитизацияга кирилади (17-расм).

Енгил саноатда термомеханик усуллардан асосан, иссиқлик энергияси билан механик энергия қўлланилган турлари ишлатилади. Буларга электротермик, юкори частотали токли ва ултратовушли усуллар кирди.

Электротермик кесимда кескичлар ва симлар қўринишидаги кескич асбобларидан фойдаланилади. Бу усулда электр энергияси иссиқлик энергиясига айлантирилади. Юкори частотали ток ёрдамида кескич усули юкори частотали электр майдони таъсирига асосланган. Ишчи асбоб электрод кескич - 7-10 Н куч ёрдамида юкори частотали ток таъсир билан материални киркади.

2.2. Пойабзал деталларни чопиш учун ишлатиладиган асбоб - ускуналар

Умумий тушунча. Механикавий бичишда кесувчи асбоб сифатидаги тасмаларидан ёки 1,2 - 1,5 мм калинликдаги пулатдан тайёрланиб, кескичлардан фойдаланилади. Қўлда эса - бичиш ва этик пичоклари кескичга винт 3 ёрдамида ёки лавандияб бириктирилади. Пойабзал фойдаланилади. Бичиладиган материал учун юза таянчи бўлиб ёгон ёки чамларини номерлаш учун кескичнинг тигига маълум уйиклар 4 махсус картондан тайёрланган колодалар, худди шундай металл ёки белгилар) қўйилади. Бу белгилар эса бичилган деталларда из қолдирилади. полимер материалларидан тайёрланган бичиш плиталари хизмат қилади. Кескичнинг юзаси, тигидан ташқари барча қисмлари, занглашган химия

Кескичлар пичок қўринишида бўлиб, унинг шакли чопиладиганлиги учун бўйлади. детал конфигурациясига тўғри келади. Кескичнинг уткир қисми (учи) кескич тиги деб аталади. Кескичлар У7 ва У8 маркали махсус инструментал пулатдан тайёрланади.

Пойабзал деталларини металлмас плита ёки колодаларда бичиш учун тиги уткир кескичлар қўлланилади. Металл плиталарида ишлаш вақти кескичнинг тиги 0,2 - 0,3 мм гача ўтмаслашади. 5 - 8 мм гача калинликдаги кескичларнинг тиги 50 - 52 HRC гача қаттиқликдаги термик ишлов берилади. Кескич тигининг ташки томони ва обухнинг томонининг юзаси силликлангандан кейин $Ra = 1,25 \dots 6,3$ гапир будирлигига эга бўлиши керак.

Кескич тигининг ички юзаси 7 мм каландликда $Ra=10\dots5$ гапир будирлигига эга ишлов берилиши керак. бошқа юзаларига ишлов берилмайдиган. 30° - 32° градус бурчаккача тезланиши мумкин.

Пойабзал остки деталларини бичиш кескичлари 1 (18-расм, а) 90 - 105 мм каландликда, деворининг калинлиги эса 4,5 - 5,5 мм ёки 48 мм каландликда, деворининг калинлиги 7 мм қилиб тайёрланади. Кескичларнинг қаттиқлигини ва мустаҳкамлигини ошириш учун уларнинг девори кескич киррасидан 25 мм масофада 10 мм гача қалинликка эга бўлиши керак. Бичилган деталларни кескичдан осон чиқариб олиш учун кескичнинг ички девори унинг уткир қисмидан обухигача 1° - 3° градусте конуссимон шаклда кенгайиб боради. 98 - 105 мм каландликдаги кескичларда ишчининг қўли пресс зарба берувчиси билан кескичнинг ўртасида қилиб кетмаслигини таъминланган ҳолда кескичларда химия туси 2 бўлади. Тўсиқлар 16 x 10 мм дан 16x20 мм кесимгача бўлган.

Пойабзал устки деталларини бичиш кескичлари (18-расм, б) 22, 48 мм гача каландликда, деворининг калинлиги 6 мм қилиб тайёрланади. Худди шундай, пулат тасмаларидан совуқ эгиш усули билан тайёрланган юпка деворли кескичлардан фойдаланилади.

Материални тежаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун гуруҳ кескичлардан фойдаланилади. Шу билан биргаликда материалларни бичишда этик пичоклари ҳам қўлланилади.

Бичиш пичоклари (18-расм, в) ичи бўш металл дастакка қийилган ва винт 2 билан қотирилган пичок 1 дан тузилган. Пичокнинг калинлиги 1-1,5 мм, эни 10-12 мм.

Этик пичоклари понасимон (18-рasm, г) ёки эгри чизикли (18-рasm, д) кйралти пулат тасмалардан тайёрланади. Пичокларнинг калликлги 1 - 2 мм. Ишлашга кулай бўлиши учун пичокнинг дастасига химохлон лента уралади ёки полвинилхлоридли труба кийгизилади.

Кул катламли материалларни бичиш кескичлари. Бу кескичлар ёки 48 мм баландликда ва тегининг ўткирлик бурчаги $20^\circ - 23^\circ$ гравусл килиб тайёрланади. Улар иссиқ катоклардан чиқарилган У7 ёки У маркали тасмали пулатлардан тайёрланади.





Бичишда материал катламларининг силжишини олдини олиш ва деформацияни камайитириш учун сикувчи пружинали кескичлар кулланилади. Кескич ичидаги пружина бичилган деталларни чопиш плитаси устига итариб чиқаради. Кескичдаги бичилган биринчи детал билан охириги деталларнинг ўлчамлари бир хилда сақланади.

Ёрочдан тайёрланган бичиш колодалари (19-рasm, а) катти ёрочлардан (дуб, бук ёки граб) кесилган бруслардан йиғилиб елимланган. Поёабзал остки деталларини бичиш учун $900 \times 420 \times 300$ ёки $1500 \times 420 \times 300$ мм габарит ўлчамли тўғри бурчакли колодалар кулланилади, поёабзал устки деталларини бичиш учун эса $550 \times 420 \times 130$ мм габарит ўлчамли тўғри бурчакли колодалар кулланилади. Ёрочдан тайёрланган барча кесиш колодалари периметри бўйича металл рамкали махсус торткичлар билан тортилади.


Махсус картондан тайёрланган бичиш колодалари (19 - рasm, б). Бу колодаларни ҳам олдиндан прессланган ва елимланган пластинкалардан блоklarга елимланиб йиғилади. Йиғилган колодалар иккита ёки учта металл стерженлар билан гайка ёрдамида тортилади. Гайкаларнинг остки ёроч брусokлар ва пулат пластинкалар қўйилиб котирилади. Махсус картондан тайёрланган колодалар билан ёрочдан тайёрланган колодаларнинг ўлчамлари бир хил.

Металлдан тайёрланган бичиш плиталари (19-рasm, в). Бу плиталар СЧ 18 маркали чўяндан қўйиб тайёрланади. Чидамлилигини ошириш

учун бу плиталарнинг ишчи юзасига 12 - 20 мм калликлда пулат қопланади.



18-рasm. Кескичлар (а,б), бичиш (в) ва этик (г,д) пичоклари



19-расм. Чопиш колода ва плиталари.

Бундай плиталарнинг ўлчамлари ПВГ-8-2-0 пресслари учун 500x350x30 мм. ПВГ-18 типидagi барча пресслар учун эса 1600x400x180 мм га тенг.

Ҳозирги пайтда химояловчи плёнка ёпиштирилган алюминий плита кенг қўлланилади. Плёнка юзасига латекс сурилган газлама қопланган. Бу плитада ишлаган вақтда кескичнинг уткир тўғи сурилган материални ҳам плёнкани ҳам кесиб, деталнинг тулиқ бичилишига аниқ кафолат беради.

Пластмассадан тайёрланган бичиш плиталари (19-расм, г) формасида куйиш усулида ёки поливинил смоласи асосидаги аралашмалардан тайёрланган, асосан поливинилхлориддан тайёрланади.

ПВГ-8-2-0 типидagi прессларда пойафзал устки деталларини бичиш учун плиталарининг ўлчамлари 500x350x30 мм булади.

2.3. Пойабзал остки деталларини чопиш пресслари

Пойабзалнинг остки деталлари НПЕ, ПВ-38, ПВГ-18-0, ПВГ-18-10, ПВГ-18-2-0, ПВГ-18-1300, ПВГ-18-1600 прессларида чопилади. НПЕ ва ПВ-38 электромеханик пресслари ҳам конструкцияси ва ишлаш

принципи жиҳатидан бир хилда тузилган бўлиб улар фақат иш йўлининг кенглиги, зарба қилувчи механизмнинг йули, ташқи ўлчамлари билан фарқ қилади. ПВГ-18 дан ПВГ-18-1600 прессгача бўлган пресслар ҳам иш йўлининг кенглиги жиҳатидан фарқ қилади.

ПВГ-18-1300 ва ПВГ-18-1600 прессларида алоҳида бошқарув пулти ва прессни ишга қўйиш мосламаси мавжуд.

ПВГ-18-2-0 пресси

Пресснинг ишлаш принципи. ПВГ-18-2-0 пресси пойабзалнинг остки деталлари (чарм, картон, резина ва бошқа материаллар) ни уткир тўғи кескичлар ёрдамида металлмас плита ёки колодаларда, ҳамда тўғи ўтмас кескичлар ёрдамида металл плита ёки колодаларда чопиш учун қўлланилади. Ишлаш вақтида пресснинг юқорига ва пастга ҳаракатланувчи юқори траверса қисми унинг асосий ишчи органи ҳисобланади.

ПВГ-18-2-0 пресси (20-расм) электрогидравлик, бир зарбали, оёқ ёрдамида тепки босилиши билан ишлайди. Технологик жараён қуйидагича бажарилади: бичиш плитасининг устига бичиладиган материал тушариб унинг устига кескич қўйилади. Кейин кескичнинг муҳофазаланган ён томонидан ушлаб қўйиш тепкиси босилади, ушдан сўнг юқори траверса пастга томон ҳаракатланиб кескичнинг обуҳ қисмига урилади ва материал бичилгандан кейин юқорига қутарилади.

Кейинги зарбани ҳосил қилиш учун оёқни тепкидан олиб кескич қайталан қўйилади ва яна тепки босилиб пресс ишчи ҳолатга қўйилади.

Пресс - станинадан, юқори траверса механизидан, гидроушатиш, электр жиҳози ва химоя блокидан иборат. Бичилган деталларни қуйиш учун прессда орқа ёрдамчи столи мавжуд. Пастки траверсага ва пресснинг орқа томонининг унг бурчагидagi устунига электр шкафи маҳкамланган. Пресс рамкасига гидроприводли мой баки жойлаштирилган. Мой бакини прессдан чиқариб олиш учун пресснинг олд


томонида мой бак копкоғи устида дастағи мавжуд. Шу дастак ёрдамчи мой бакини прессдан чиқариб олиш мумкин.

Пресснинг станинаси пастки траверса 9 га боғланган унг 35 ва ч 39 устунлари маҳкамланган таянч рамаси 38 дан тузилган. Пастки траверса устига бичиш плитаси жойлашган. Пастки траверса рамка 7 маҳкамланган чап 39 ва унг 35 чуён устунларга ўрнатилган.

Юкори траверса механизми гидроприводдан керакли кесиш кучини кескичга узатади. Юкори траверса 24 пресс станинасининг 10 ва 11 ўйнаттирувчиларига ўрнатилган иккита скалкага корпуслар 16 ва 17 ёрдамчида маҳкамланган. Пастдан траверса 24 га муҳофазаланган кистирма орқали плита 25 маҳкамланган. Пастки станинанинг ҳар бири ўйнаттирувчиларига фланцлар 13 маҳкамланган бўлиб, уларда трапениднат резба кесилган ва унга шток бириктирилган. Штокка пресс ишлаётган вақтда қўзғалмай турувчи поршенлар маҳкамланган. Поршен цилиндрлар скалканинг пастки қисмида жойлашган.

Торткич 19 га юкори траверсани дастлабки ҳолатига қайтариш учун пружина қийғизилган. Торткичга скалканинг ичидан утиб, кирмаксимон филдирак 21 ни шток 14 билан бириктиради. Юкори траверсанинг ички траверсани баланглик бўйича ҳаракатга келтирувчи узатиш механизми жойлашган. Узатма электр юритгичидан, иккита тишли филдирак валликлар 25 ва 26 дан, ҳамда учта муфта 27, 28 ва 29 дан иборат. Юкори траверсани ҳаракатга келтирувчи электр юритгич қўшилгандан кейин ҳаракат ундан цилиндрик тишли узатма орқали, иккита скалка торткич, кирмаксимон узатмаси орқали штокка узатилади. Кейин штоклар фланцларга буралиб кириб ёки фланцдан чиқиб, скалкалар траверса билан биргаликда қўтариб ёки тушириб туради.

Созланиши. Юкори траверсанинг баланглик бўйича ҳолати бошқарув пулти 34 панелидан унг томон вертикал катордаги тугмачаларда бирини босиб соланади. Бунинг учун электр юритгичи 23, 22 ва 21



20-расм. ПВГ-18-2-0 типидagi пойабзал остки деталларини қўйиш пресси.

тишли филдираклар. 20 ва 28 валликлар, 19 муфта, иккита скалканинг кирмакли узатматари ва торткич 14 орқали ҳаракат штокларга узатилади ва траверса 24 қўтарилиб тушиб туради. Траверсанинг энг юкори ҳолатини созлаш вақтида филдирак 7 дан ишлаб кетувчи олирғи ажраткич 8 билан чегараланади. Филдирак 7 корпус 29 билан боғланган ва пресснинг ишлаши вақтида юкориға ва пастға ҳаракатланувчи штанга

17 га каттик маҳкамланган. Юкори траверсадан кескичининг оқ қисмигача бўлган масофа 70 мм дан ошмаслиги керак.

Гидравлик узатма. Гидравлик узатма электр юриткичидан ҳаракат олувчи насос, гидродозатор - тезлаткич, золотник, тўйинтириш гидроклапани, гидробак, иккита қайтарма клапан, мой ўтувчи труба, мой бакидан тузилган. Гидробакка мой фильтр орқали қуйилади. Мойнинг сатҳи мой кўрсаткич бўйича назорат қилиниб турилади. Ишчи суюқлик сифатида Т22 ва Тп- 22 маркали турбин мойидан фойдаланилади.

2.4. Кескичларда пойабзал деталларини қирқиш жараёни

Қўндаланг кесимли кескичларда эластик материалларни (натурал сўппин) кесиш жараёнини қўриб чиқамиз (21-расм).

Материалларни булақларга ажратиши жараёни кескич учинида қон кучларини ҳосил бўлгунга қадар бажарилади.

Кескичга тушадиган R_k кесмиш кучи материалнинг кескич учини нисбатан қаршилик кучи Q , N_1 ва N_2 нормал кучлари, материал ва кескич учини орасидаги ишқаланиш кучлари билан мувозатланади.

$$P_k = Q + N_1(\sin \alpha_1 + \mu_1 \cos \alpha_1) + N_2 \mu_2 \quad (1)$$

бу ерда: μ_1 ва μ_2 - кескич тўғрисида материал орасидаги ишқаланиш коэффициентлари.

Кескичларнинг 1 см кесувчи қисмига таъсир қилувчи кучини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин.

$$G_s = q/a$$


бу ерда: G_s - кескич учининг таъсири натижасида ҳосил бўладиган материал қаршилиги.

a - кескич учининг ўтмаслигини билдирувчи узунлик.

Материал қаршилик кучи

$$Q = q \cdot L = aLG_s \quad (2)$$

бу ерда: L - кескичнинг кесиш қисми параметрлари.



21-расм. Кесмиш жараёнида таъсир қилувчи кучларнинг аниқлаш ёхемаси.

N реакцияни аниқлаш учун материалдаги деформация тақсимланишини қўриб чиқамиз.

Умумий ҳолда материал x, z ўқлар йўналишида ва ҳоз текислигини перпендикуляр йўналишда деформацияланади.

Кескич контурининг тўғрисида қизилиши қисмларида материал x ва z ўқлари бўйлаб деформацияланади. Эгри қизикли жойларида эса материал деформацияси кесмиш радиусига боғлиқ бўлади.

Агар материал чеккаси кескич ўткир қисмига яқинроқ жойлашган бўлса, у ҳолда пластик материал чекка юзаси бўйлаб кескич ўткир қисмининг ҳолати eaf қизикка тўғриси келади. Эластик материал тор чекка юзаси eaf ҳолатда бўлади.

β бурчак материал ва кескич ўткир қисмига бўлган масофага, кескич ўткирланиш бурчагига, материал физика-механикавий хоссасига ва куч ўлчамларига боғлиқ бўлади.

Кескич контурининг тўғрисида қизикли жойларига таъсир қилувчи N_1 кучини аниқлаймиз.

Материал деформацияланадиган жойларининг энли элементар булақларга ажратамиз dN_1 реакциянинг элементар қийматларини топамиз

$$dN_1 = dR_k \cos \varphi$$

бу ерда: dR_1 - материалнинг деформацияланиш йўналишини билдирувчи $\theta = \alpha + \varphi$ бурчак остида $d\xi / \cos \alpha$ юзага таъсир қилувчи реакция кучин.

φ - ишқаланиш бурчаги.

$$\text{Бунда } dR_1 = \frac{d\lambda_1}{\cos(\alpha + \varphi)}$$

$d\lambda_1$ - x ўқи бўйлаб элементар реакция проекцияси.

Агар x ўқи бўйлаб кучланиш δ_1 нисбий ϵ_1 материал эластик модулини E_1 деб белгиласак, у ҳолда $d\lambda_1 = \delta_1 L d\xi$ бўлади. Юм полимер материал учун $\delta_1 = (\epsilon, E_1)^{-1}$

бу ерда коэффициент $m = 0.8 + 1$ ни ташкил этади.

$$\text{Агар: } \epsilon_1 = \frac{\Delta x}{l} = \frac{e' e'' - e'' e'}{l} = \frac{2(\lg \alpha - \lg \beta)}{l}$$

бўлса у ҳолда $\frac{2(\lg \alpha - \lg \beta)}{l}$ ни R орқали белгилаб қуйидагини оламиз

$$d\lambda_1 = (k E_1)^{-1} L^{-1} d\xi.$$

Демак:

$$N_1 = \frac{\cos \varphi (k E_1)^{-1}}{\cos(\alpha + \varphi)} L \int_{\xi}^{\xi} d\xi = \frac{m \cos \varphi (k E_1)^{-1}}{(1+m) \cos(\alpha + \varphi)} L z = \dots \quad (3)$$

N_2 реакция кучини аниқлаш учун X ўқи бўйлаб таъсир қилувчи барча кучлар проекциялари йиғиндисини оламиз

$$\Sigma x = 0; \quad N_2 = N_1 \cos \alpha + N_1 \mu_1 \sin \alpha - T. \quad (4)$$

бу ерда: T - кесгичнинг қўндаланг эгилишга қаршилиги.

T - қаршилик N_1 нинг мураккаб функцияси ҳисобланганлиги сабабли, уни биринчи яқинликда $T = k_2 z$ деб қўйиш мумкин.

k_2 - кесгич қўндаланг йўналишдаги қаттиқлик коэффициентини.

(1) тенгламага (2) - (4) ифодаларни қўйиб, кесгич кучини аниқлаш усулда аниқлаймиз

$$N_2 = \frac{m \cos \varphi (k E_1)^{-1}}{(1+m) \cos(\alpha + \varphi)} L z = (\sin \alpha + \mu_1 \cos \alpha + \mu_2 \cos \alpha + \mu_1 \mu_2 \sin \alpha) - k_2 z \mu_2$$

Амалий ҳолларда кесгич кучини аниқлаш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$P_2 = q L k_1 k_2 k_3$$

q - солиштирма оғирлик, н/м

L - кесгичнинг максимал параметри

k_1 - кесгич утмаслиги коэффициентини

($\beta = 10^\circ$ да $k = 1.1 + 1.8 \text{ га тенг}$)

k_2 - кесгич ўткир қисми радиуси

k_3 - таъсир қилувчи кучнинг коэффициентини.

$\mu = 0.1 + 0.4$ - материал ва кесгич орасидаги ишқаланиш коэффициенти.

v - кесгич ҳаракат тезлиги м/с

Кесгич кучининг узғариш диаграммасидан маълумки, плита имартизаторларга ўрнатилган ҳолда, иш материал деформациясига сарф бўлади.

Бундан маълумки, сундиртич қаттиқлиги ва кесгич баланглиги кетарасини ошириш ўрнига ва пресс Т.И.К. пасайишига сабаб бўлади.

2.5. Пойабзал устки деталларини чопиш пресслари

Орлов машинасозлик заводида ПВГ-8-2-0 прессидан ташқари унинг базасида яратилган бир қанча пресслар чиқарилади.

Пойабзалнинг устки деталлари ПВГ-8, ПВГ-8-1-0, ПВГ-8-2-0, ПКП-10 ва ПКП-16 прессларида чопилади.

Бу прессларнинг барчасида бурилиб зарба бериш механизми асосий ишчи орган ҳисобланади.

ПВГ-8 пресси конструктив тузилиши жиҳатидан жуда оддий бўлиб зарба бериш механизмнинг бурилиши қўлда бажарилади. Бу прессида

ишлаш жуда оғир бўлганлиги сабабли ҳам унинг иш унумдорлиги аста паст.

ПВГ-8-1-0, ПКП-10 ва ПКП-16 прессларида зарба бериш қурилма автоматик тарзда бурилади.

ПКП-16 пресси конструктив тузилиши жиҳатидан ПКП-10 пресси жуда ўхшаш бўлсада, ташки ўлчамлари ва чопиш кучининг катталиги билан кескин фарқ қилади. ПКП-16 пресси йирик ўлчамли чармлар ва пойабзал устки деталларини чопиш учун қўлланилади.


ПВГ-8-2-0 пресси

Пресснинг ишлаш принципи. Чарм ва сунъий чармдан пойабзал устки деталларини консол ўрнатилган автоматик бурувчи ПВГ-8-2-0 электрогидравлик прессида чопиш мумкин. Чопиш ўткир тигли машина кичлар ёрдамида алюмин ва пластмасса плиталарда ёки ёроқ ва маҳкам картонли колодаларда амалга оширилади.

Технологик жараён қуйидагича бажарилади: чопиш плитасини устига материал ташланади ва унинг кескич қўйилиб бир вақтнинг ўзида унинг томондаги тугмача, чап қўл билан эса чап томондаги тугма босилади. Бу пайтда зарбдор бурилиб, чопиш плитасининг устига тўхталади ва иш йўли бажарилади, яъни зарба бўлади, сўнг зарбадор автоматик тарзда дастлабки ҳолатига қайтади. Кескичдан чопилган детал олиниб, кескич яна қайтадан материал устига қўйилади ва иш давомлаштиради.

Пресснинг асосий механизм ва узеллари: станина, зарба берувчи механизм, зарбдорни буриш механизми, зарбдорни қўтариш механизми, электр жиҳози ва гидроузатмадан иборат (22-расм).

Пресснинг станинаси асос 16 дан ва стол билан тўртта таянч ёрдамида бирлашган. Столнинг устида чопиш плитаси 2 жойлашган. Чопиш плитасида технологик контакт 7 мавжуд бўлиб, технологик контакт прессида электр схемасига ва чопиш плитасига уланган.



22-расм. ПВГ-8-2-0 типидagi пойабзал устки деталларини чопиш пресси

Станинанинг ичида гидроузатма, унинг томонида эса электр шкафи 12 жойлашган. Станинанинг олд томонида иккита тугмачали кронштейн ва бошқарув пульти 9 бор. Иккинчи технологик контакт зарбдорнинг остида - корпусга маҳкамланган. Унинг вазифаси - кескич детални чопиб, плитага 0,5 мм гача ботгандан сўнг пресси токдан ажратилиши таъминлаш керак.

Зарбдор. Станинанинг вертикал цилиндрлик йуналтирувчисига скалка зарбдори билан жойлашган, юқори томондан эса гайка билан қотирилган. Скаланинг пастки қисмида штокка қаттиқ маҳкамланган, ишчи поршени бўлган ишчи цилиндр жойлашган.

Зарбдорни қўтариб тушириш ва зарбдор йулини сошлаш учун штокнинг пастки учида резбали қисми ва унга бирлашиб турувчи тишли хилдираги бор. Тортқичга иккита пружина кийгизилган. пружиналар детал чопилгандан сўнг зарбдорни юқори ҳолатга қайтариш учун хизмат қилади.


Зарбадорни буриш механизми. Бу механизм зарбадорни скалка билан биргаликда иш ҳолатига ва материал чопилгандан кейин ундастлабки ҳолатига қайтариш учун хизмат қилади. Скалкага тишли рейка билан ҳамма вақт илашиб туришини таъминлаш мақсадида тишлар очилган ва тишли рейка ҳаракати натижасида скалка зарбадор билан биргаликда бурилади. Зарбадорнинг бурилиш механизми прессшайнага маҳкамланган иккита цилиндрдан ҳаракатни олади. Цилиндрларда поршенлар ҳаракатланади. Поршенлар рейкани ҳаракатга келтиргач скалканинг зарбадор билан биргаликда бурилишини таъминлайди.

Гидравлик узатма. Гидравлик узатма электр юритгичдан ҳаракат олувчи насос, гидродозатор - тезлатгич, золотник, тўйинтириш гидроклапани, пидробак, иккита қайтарма клапан мой утувчи труба ва мой бакидан тузилган. Гидробакка мой - филтр орқали қўйилади. Мойнинг сатҳи мой курсаткич бўйича назорат қилиниб турилади. Ишчи суюқлик сифатида Т22 ва Тп - 22 маркали турбин мойилари фойдаланади.

2.6. Лента пичоқли ва кучма бичиш машиналари

Пойабзал ишлаб чиқариш саноатида ишлатиладиган материаллар хусусияти ва тузилиши жиҳатидан хилма-хил бўлади. Тайёрланаётган пойабзал маҳсулотлари ассортименти турли-туман бўлганлиги сабабли уларнинг материалларни бичиш усули ҳам бир хил бўлмайди. Ёзги ва ёнгил пойабзалларнинг устки қисмлари асосан, юпка тери, сунъий материаллардан ёки газламалардан тайёрланади. Ҳозирги вақтда пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида юпка ва туқимачилик материалларини универсал усулда қирқишда қуйидаги машиналар ишлатилади: кучма бичиш машиналари (ЭЗМ-3, СС-529 типдаги вертикал пластинасимон пичоқли, ЭЗДМ-3, ЭЗДМ-2 типдаги дисксимон пичоқли машиналар), кузгалмас машиналар (РЛ-4, РЛ-5, РЛ-6 ва ШВн-03 типдаги лента пичоқли машиналар).


Ҳозирги пайтда икки, уч ва тўрт шкивли лента пичоқли машиналар кенг миқёсда қўлланилмоқда (23-расм). Икки шкивли машиналарга нисбатан уч ва тўрт шкивли машиналарда L -ишчи қулочи анча кенгайтирилган. Бу эса ишчининг ишлаши учун қулайлик яратиши билан бир қаторда катта юзали материалларни кесиш имконини беради.



23-расм. Лента пичоқли бичиш машиналари

РЛ-6 типдаги лента пичоқли стационар бичиш машинаси

РЛ-6 типдаги лента пичоқли бичиш машинаси майда ва мураккаб шаклли деталларни узил-кесил қирқиб олиш учун ишлатилади. Бу ма –



24-расм. РЛ-6 типдаги турт шкивли лента пичокли
бичиш машинаси

шинадаги лента пичок 2 (24-расм) гилдирақларга тўтилган, эни 20 мм
яқин, қалинлиги эса 0,4-0,7 мм пулат лентадан иборат. Пастда
ҳаракатлантирувчи шкив 24 электр юритгичидан келган тасма ёрдами

айлантиради. Бунда
лента пичок эса 32, 19, 20 шкивларни айлантиради. Бунда
лента пичокнинг ҳаракат тезлиги шкивлар диаметрига ва уларнинг
айланиш тезлигига боғлиқ бўлади. Бу машина лента пичокни
йўналтириш, ҳаракатни узатиш механизмлари, пичок пўғини автоматик
чархлайдиган ва пичокни таранглаш қурилмалари, ишчи қўлини
ҳаракатдан сақлайдиган, пичок тезлигини ўзгартирадиган ва ўлчайдиган
мосламлардан тузилган.


Машинага ҳаракат электр юритгичи 28 дан узатилади. 19, 20, 24 ва
32 шкивлар юзалари бўйлаб 2 лентали пичок тортилган. Конуссимон
варнатор 27 тўхтатиш барабани маҳкамланган йўналтирувчи шкив 24 га
ҳаракатни узатади. Тўхтатиш барабанига электромагнит тўхтатиш
қопдоқси 26 ўрнатилган. Машина иш даврида электромагнит тўхтатиш
механизми қўчланиши остида бўлади. Пичок тезлиги маховик 29
ёрдамида ўзгартирилади ва тахометр 33 билан ўлчанади. Таранглаш ва
лентатуттич қурилмалари 19 йўналтирувчи шкив 17 га қўзғалувчан
каретка орқали ўрнатилган. Пичокнинг таранглиги маховик 7, винт,
гайка 15 ва пружина 16 ёрдамида ҳосил қилинади. Лентатуттич
қурилмаси устки ва остки электромагнит лентатуттич 25 лар ва контакт
ажратгичи 30 дан тузилган. Пичокни таранглаш қурилмаси винт 18 уқига
жойлаштирилган ричаг 6 ва кулачок 11, остки кулачок 10 кронштейн 18
ва фиксатор 12 лардан тузилган. Маховик 7 ни бураш йули билан
пичокни таранглигини ўзгантириш мумкин. Кронштейн 8 га ўрнатилган
мойлаш системаси орқали пичок доимий равишда мойланиб турилади.
Пичок ҳаракати пайтида ўткирлаш айланалари 22 ёрдамида чархланади.
Ўткирлаш механизми тепки 23 ёрдамида бошқарилади. Бундан ташқари
бу машинада материал силжишини енгиллаштириш учун стол юзаси
бўйлаб ҳаво оқимини ҳосил қилувчи қурилма ўрнатилган.

Вертикал пичокли кўчма бичиш машиналари материалларни алоҳида
қисмларга бўлиш, шунингдек, алоҳида деталларни қирқиш учун
ишлатилади. Бу типдаги машиналардан жун, сунъий тери ва тўқимачилик

материаллар тушамасининг баландлиги 13-15 см гача етганда фойдаланилади.

CS-529 типдаги ("Паннония" фирмаси Венгрия) вертикал пичокли кучма бичиш машинаси

Вертикал пичокли CS-529 типдаги кучма бичиш машинаси (25-расм) киркиш органи қалинлиги 0,5 мм, узунлиги 15 мм ва кенглиги 22 мм ли пичок 1 дан иборат. Машинанинг тик туткичи 2 га жойлашган пичокнинг икки ёни 15-20° бурчакли қилиб тезланган, тик туткичдан 8-10 мм олдинга чиқиб туради. Баландлиги 180 мм, ли тик туткич машинанинг платформаси 3 га ўрнатилган. Тик туткичнинг 3500 марта айланадиган электр юритгич 32 ўрнатилган.



25-расм. CS-529 типдаги кучма бичиш машинаси.

Бу машина бичиш столи бўйлаб, пластинкали пружинага ўрнатиш билан платформада ҳаракатланади. Платформага таянч 17 маҳкамланган бўлиб, унинг юқори қисмига электр юритгич ўрнатилган.

Электр юритгич валига шпонка 12 ва винт 13 орқали қишлоқ қамқамланган. (25 - расм, а).

Қишлоқ қамқамланган думалок подшипниклар орқали бармоқ ўрнатилган. Шпонканинг юқори қисми бармоқ билан боғланган бўлиб, ости қисми бармоқ 5, шулка 6 орқали ползун 7 га маҳкамланган.

Ползуни ости қисмига штифт 3 ва винт 2 ёрдамида пичок 1 маҳкамланган. Ползун йўналтирувчилар 7 ва 4 орасида илгариланма ҳаракатланади. Пичок ўткириланиш бурчагини қуйидагича ўзгартириш мумкин.

$$\operatorname{tg} \alpha_2 = \operatorname{tg} \alpha_1 \frac{1}{\sqrt{1+k^2}}; \quad k = \frac{v_2}{v_1}$$

а) пичокнинг ярим ўткириланиш ишчи бурчаги,

б) пичок ярим конструктив бурчаги.

в) материални пичокга узатиш тезлиги,

г) пичок ҳаракати тезлиги.

Ползун билан йўналтиргичлар орасидаги зазор, йўналтиргичларни корпус 18 орқасига силжитиш йули билан соланади.

Ползуни йўналтиргичлар орасидаги ҳаракатида сийилишни камайтириш учун 8-мойлаш қистирмаси ўрнатилган.

Кучма бичиш машиналари стационар ҳолатда ўрнатилса, уларни вертикал бичиш машиналари ўрнида ишлатиш ҳам мумкин.

Вертикал пичокли кучма бичиш машиналарига пичок ҳаракати тезлигини кўрсатадиган таксометр ўрнатилса, киркиш тезлигини кераклича ўзгартириш мумкин бўлади. Бунинг зарурати шундаки, масалан, синтетик тоғалардан туқилган газламалар тез эрийдиган бўлгани учун, бичиш машинаси электр юритгичи айланиш тезлиги минутига 1800 мартагача


каматгиришни керак бўлади. Ҳозир вертикал пичокли кучма бичиш машиналарини такомиллаштириш устида ишланмоқда. Бунинг асосий алектрюртгич подшпинниклари автоматик мойланадиган, механик механизмлари газлама чангидан, толалардан, иплардан механик билан тозаланадиган қилинмоқда; машинанинг ичига ип ёки синалган тўқилган газламалар кириб кетишига йўл қўймайдиган ва газламани бичиш сифатини яхшилайдиган қилиб, пичок тигининг янги конструкциялари топилмоқда. Пичок тигини тезлаш ва кировини тушуртириш автоматлаштирилмоқда. Бундан ташқари, кўриниши ҳар хил пичокларни фойдаланиш устида ҳам иш қилинмоқда. Масалан, жуда дема материалларни кесиш учун дами силлик пичоклар, махсус кийим тикиладиган қатин газламаларни ва даҳал сунъий чармин киркиш учун дами аррасимон, серпардот газламаларни ва синтетик материалларни киркиш учун эса дами тулқинсимон пичоклар ишлатиш тавсия этилади.

ЭЗДМ-3 типидagi диск пичокли кучма бичиш машинаси

Диск пичокли ЭЗДМ-3 кучма бичиш машиналари (26-расм) материални алоҳида қисмларга бўлишда ва шакллари мураккаб бўлмаган деталларни киркишда ишлатилади. Диск пичокли бичиш машиналарининг кичикроқлари купинча, текислаш кайчилари деб аталади. Уларнинг қатинлиги 1-3,5 см тушамаларни бичиш ва кийим деталларини текислаш учун ишлатилади. Уларда пичок тигини тезлашганга қарамай мойлайдиган мосламалар бўлади.

ЭЗДМ-3 машинасининг киркиш органи 120 мм диаметри 1,1 қатинликдаги диск пичок 1 дан иборат. Бу пичокнинг туткичи катта доирадан иборат бўлгани учун, унда тушамани радиуси кичик траектория бўлганда киркиб бўлмайди, акс ҳолда қирқилаётган жой яқинида қисмлар сурилиб кетади. Бу машинанинг платформасига қўзғалмас иккита пичок 2 урнатилган бўлиб, у пружина ёрдамида диск пичок тигини кисилиб туради. Диск пичокнинг тиги машинанинг узига урнатилган

қўзғалмас иккита доиравий мослама 6 да чархланади. Диск пичок ясси электрюртгич 3 устига урнатилган электр юритгич 4



26-расм ЭЗДМ-3 диск пичокли кучма бичиш машинаси

ёрдамида конуссимон тишли гилдирактар воситасида айланади. Диск пичокни кичик диск пичокникидан каттароқ диаметри дискдан иборат бўлиб, машинанинг платформаси 5 га бириктирилади. Бу машинанинг вертикал пичокли машинадан фарқи шуки, ундаги пичокнинг киркиш тезлиги 9 м/сек бўлиши мумкин. Бундай машиналарни ишлатишда пичокнинг диаметри 120 мм бўлса, материаллар қатламининг баландлиги 0-25 мм дан ошмаслиги шартлигини ва кескин бурилишли ҳамда бурчакли шакллари киркишда тушаманинг пастки қаватлари охиригача қирқилмай олишини назарда тутиш керак.

2.7. Қўзғалувчан пичокли бичиш машиналарида қиркиш жараёни

Қиркиш жараёнида пичокнинг ўткирланиш бурчаги конструктив бурчагига нисбатан кичик булганлиги сабабли кесиш кучи камаёди ва машинанинг ишлаши енгиллашади.

Материалнинг пичокка томон U_1 тезликда узатилишида ва Δt мобайнида пичокнинг U_2 тезликда ҳаракати натижасида материал пичокка нисбатан C_2 нуктада силжийди (27-расм а)

Пичок ишчи ва конструктив ярим бурчакларини α_1 ва α тезлиги нисбатини $k=U_2/U_1$ деб белгиласак, у ҳолда

$$\operatorname{tg} \alpha_2 = \frac{B_2 C_1}{AB_2 \sqrt{1 + \left(\frac{B_1 B_2}{AB_1} \right)^2}}$$

$$\frac{B_2 C_1}{AB_2} = \operatorname{tg} \alpha_1;$$

$$\frac{B_1 B_2}{AB_1} = \frac{U_1 \Delta t}{U_2 \Delta t} = \frac{U_2}{U_1} = k;$$

$$\operatorname{tg} \alpha_2 = \operatorname{tg} \alpha_1 \frac{1}{\sqrt{1 + k^2}}$$

α_1 - кесиш бурчигининг интенсив ўзгариши $k < 30$ да аниқланган.

Материалга қўйиладиган кесиш кучининг йўналиши, пичок материалга нисбатан ан ҳаракат тезлиги тўғри келади (27-расм б).

Тулик кесиш кучи қуйидагига тенг бўлади.

$$P_1 = P_0 + 2N \sin \alpha_1 + 2N \mu_1 \cos \alpha_1,$$

бу ерда

P_0 - пичок ўткир қисми қаршилиги.

N - материалнинг пичокка нисбатан босими.

μ_1 - материал билан пичок орасидаги ишқаланиш коэффициентини.

$F = \mu_1 N$ - пичок билан материал орасидаги ишқаланиш кучи.

k ошиши билан P_1 куч камаяди. Демак, P_x ва P_y кесиш кучлари


Q материал ҳаракат қаршилигини қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$P_x = P_0 \cos \beta, \quad P_y = P_0 \sin \beta$$

$$Q = P_1 + \mu_2 (P_1 + G_0)$$

бу ерда μ_2 материалнинг столга нисбатан ишқаланиш коэффициентини

септи



27-расм. Пичокка таъсир қилувчи кучлар схемаси.

G_0 - материал массаси.

$\operatorname{tg} \beta = k$ булганлиги сабабли,

$$P_x = P_1 \frac{1}{\sqrt{1 + k^2}}; \quad P_y = \frac{K}{\sqrt{1 + k^2}};$$

бўлади.

$$Q = \frac{P_1}{\sqrt{1 + k^2}} (1 + \mu_2 k) + \mu_2 G_0$$

Формулалардан кўриниб турибдики, k , P_1 ва Q лар ошиши билан интенсив ўзгаради, P_y куч эса дастлаб ўсиб бориб, кейин камаяди. (27-расм, в) Тасмали бичиш машиналарида иш жараёнида пичокдан қўндаланг тебраниш содир бўлади. Пичокнинг таранглигини ошириш билан унинг қўндалангига тебраниш амплитудасини f кесиш ноаниқлигини камайтириш мумкин. Бундан ташқари пичок тебраниш амплитудаси шкифлар диаметрига, пичок тезлиги ва қаттиқлигига боғлиқ

булади. Сифатли қирқиш жараёнини таъминлаш учун $k=40-100$ ора қабул қилинган. У ҳолда $v_1=0,2-0,25$ м/с, $v_2=8-20$ м/с булади.

Пичок эни тушаш усулига ва деталлар айланма радиусига бўлади. (28-расм). ρ - радиусли деталларни қиркишда пичок уткир. А траектория бўйлаб, пичокнинг ён қисми В эса $n-11$ эгри бўйлаб ҳаракатланади. Q бурчак материал хусусиятига боғлиқ бўлади. ВД бурчакка тенг бўлади. Бу ерда $AB=AD$.

У холда

$$\Rightarrow \angle AOD = \pi - 2\left(\frac{\pi}{2} - Q\right) = 2\theta$$

Пичокнинг максимал эни

$$\kappa_{\text{max}} = 2\rho \sin Q_{\text{max}}$$

О бурчакка экспериментал усулда ҳам аниқлаш мумкин.

ΔIBO учун $(\rho + c)^2 = \rho^2 + c^2$, ΔAOD учун $h^2 = 4\rho^2 \sin^2 Q$ теңлик қониқ
булади.


Бу ерда $\sin Q = 0,7 \sqrt{\frac{c}{\rho}}$

Бундан маълумки, p бурчак ёки пичок эни b узгаришида ва Q бўлганда $c/p = \cos \alpha$ нисбат уринишир.


Шу сабабли ҳам Q_{max} ҳисоблаш учун қирқилаётган детал айланмасини аниқлаш керак бўлади. Ўтказилган изланишлар ва соблашлар асосида $Q_{\text{max}} = 9 \cdot 10^9$ қабул қилинган.

Пластинасимон пичокли машиналари кривошип 1, шатун 2, пластинасимон пичок 4 маҳкамланган полтун 3 дан тузилган.

Пластинасимон пичокли бичиш машиналарида пичок тезлиги
налиши ва қиймати бўйича узгарувчан булганлиги учун кесиш жар
хам стабил бўлмайди. (29-расм)



28-расм Айланма шаклдаги
деталларни қирқиб жараёнида
пичок ва материалнинг қой-
лашнинг схемаси.



29-рasm. Платинаcимон ии-
чоклн бичиш машинacи cxe-
мaтн.

Піччюк ҳолати қуїидағи ординатадан топилади:

$$y = l \cos \varphi_1 - r \cos \varphi$$

$$\ddot{c}_{KH} \sin \varphi_1 = \frac{r}{\lambda} \sin \varphi = \lambda \sin \varphi.$$

бу ерда r - кривошип радиуси; l - шатун узунлиги;

φ_1 - ползун ҳаракат чизиги ва шатун орасидаги бурчак. Агар


$$y \approx r \left(\frac{1}{\lambda} - \cos \varphi - \frac{\lambda}{2} \sin^2 \varphi \right).$$

булса, у холда пичокнинг тезлиги ва тезланишини қуйидаги функ-
циялардан аниқланади:

$$v_2 = \frac{dy}{dt} = \frac{dy}{d\varphi} \frac{d\varphi}{dt} \approx \omega_1 r \left(\sin \varphi = \frac{\lambda}{2} \sin 2\varphi \right).$$

$$a_2 = \frac{dv_2}{dt} \approx \omega_1^2 (\cos \varphi - \lambda \cos 2\varphi).$$

$\frac{\partial \alpha}{\partial t}$ инебат, пичокнинг тезлиги ва тезлаиши ўзгариши графиклари 30-расм кўрсатилган.




30-расм. Пластиниасмон пичоқининг
тезлиги (1), тезлашиши (2) ва
 α/α , нисбатининг ўзгариш трифлик-
тари.

31-расм. Пичок ва материясия таъсир этувчи Рп (1), Рх (2) ва Ру (3) ушро таъсир кучларини графигли.

Графикдан кўриниб турибдики, машина ишлаш жарасида бурчаклар нисбати, тез ўзгаради. Бу эса кесинч кучи P_1 ва P_2 ларнинг ўзгариши ва қиймати бўйича ўзгаришига олиб келади. (31-расм) Куч ва машина титраши ўзгариши эса кесинч сифатига салбий таъсир кўрсатади.


Демак, кузгалувчан бичиш машинатарида пичок 1 айланма ҳаракатни корпус 4 га ўрнатилган конуссимон узатмалар 3 орқали ёта юритгичидан олади. (32-рasm, а). Машина ишн тушамани кесини турли шартлари билан характерланади, яъни детал кесилаётганда сил содир бўлиши мумкин.

Тушама баландлигига боғлиқ ҳолда кесиш тезлиги йуналиши киймати узгаради. Айланма шаклдаги деталларни қирқишда пичоқнинг нуктаси (32-расм.б) радиуснинг I-I ёни, с нукта эса радиуснинг II-II бўйича ҳаракатланади. Деталларни кесиш радиуси $\rho = (AB)^2/2l$ га ўлчамлари бир хил бўлмайди.



32-рисунок. Диск пичокли бичиш машиналари ишини характерловчи схематар

Кеспіш жөнөткүчүнүн тушамы бастандыгына, нүчөк радиусуна ва деталдар шакына
 ыктыш буладат. Тушамы бастандыгы H нини ва нүчөк радиусу R нини өлчөшүн билгип
 АОС өңи горизонтал устөб бордун (33-расм). нини АОС га инсепатан аңагытк
 өкөмөкүнүнүн күшөдөгүчө тахмет кытыш мүмкүн. АОС ва АОС укбурчактары АОС
 укбурчакты билат тенг (2.18, б).



33-рцзм. Диск пичок радиуси ва тушма батандигининг кесин жарасинга таъсирини характерловчи схема.

$$(A_1 O)^2 = (A_1 C)^2 + R^2 - 2(A_1 C)R \cos \eta,$$

$$(A_1 C)^2 = H^2 + R^2 - 2HR \cos \eta,$$

$$(A')^2 = (\rho + \Delta)^2 = \Delta(2\rho + \Delta); \quad \cos \eta_1 = -\sin \eta_2;$$

$$\cos \eta_2 = -\cos \eta_1 = f_1 / R.$$

$$\cos \eta_1 = \frac{R - f_2}{R}; \quad \sin \eta_1 = \frac{1}{R} \sqrt{f_2(2R - f_2)}$$

бу ерда: R - пічокнинг кичік радиуси; V - пічок ўқидан тушмагача бўлган масофа; V_0 - платформадан пічокнинг остки қиррасигача бўлган масофа.

Агар $A_1O \parallel AC = A_1C'$ тенгликни ҳисобла

олчиган у холдс куйндагига эга буламиз.

$$R_0 = R + \Delta_H; \quad H_0 = R - f_2$$

$$R = \frac{H^2(H + 2f_1)^2}{8f_1\Delta(2\rho + \Delta)} + \frac{f_2}{2}.$$

бу ерди Δ_n - пичок сыйлиш даражаси; H_0 - платформин пичок айланиш
услухи булган масофа, R_0 пичок радиуси.

III БОБ

ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ЖИХОЗЛАРИ

3.1. Пойабзал деталларига кесиб ишлов бериш жараёнлари ва ишчи асбоблари

Деталларга кесиб ишлов бериш машиналари.

Кейинги йилларда пойабзал деталларини ва ҳар хил турдаги галантерия буюмларини иккига ажратувчи ва турли хил профил (фаска)ларда кесиш, ҳамда текислаш зарурати ошиб бормоқда.


Деталларни кесиб ишлов бериш жараёнларининг қуйидаги турлари маълум:

- 1) Пойабзал устки ва остки деталларини қалинлиги бўйича текислаш.
- 2) Пойабзал устки деталларни четларини керакли чуқурлик қирқиш.
- 3) Устки детал четларидан юпка кант олиш учун қирқиш.
- 4) Фрезалаш ёки силликлаш (асосан устки деталга бириктирилган ёки ҳали бириктирилмаган тагликларни четларини ишлов бериш қўлланилади).
- 5) Детал юзаларини елимлашдан олдин тирналаш.

Материалларни кесиш турли хил усулларда амалга оширилади. Қўзғалмас пичок билан каттик терилар кесилади. Каттик бўлмаган ишлов бериш учун пружинали қилиб тайёрланган. Пойабзал устки материалларни иккига ажратиш ёки юпка қатламини кесишда қўзғалмас пичоклар ёрдамида амалга оширилади. Баъзан чангитиб кесилмас машиналар ишлаб чиқарилган. "Свит" фирмасида (Чехославакия) урнига тебранувчи пичок ёрдамида кесиш қўлланилади. Қўзғалмас пичокда материалларни кесишда кесиш бурчаги камаяди.

Чангитиб кесиш буюмга ишлов беришда юкори узатиш тезлиги, кесилган материалнинг қалинлиги, натижада ишлов бериш сифатини таъминлаш масдан жихознинг унумдорлигини оширади.

Кесиб ишлов бериш жараёни материални илиб олиб, уни қўзғалмас пичок билан узатиш йули билан бажарилади. Машиналарнинг ишчи органлари ишлов бериш усули жиҳатидан конструктив характерга эга (34-расм).



34 - расм. Пойабзал устки ва остки деталларини қалинлиги бўйича иккига ажратиб машиналарининг ишчи органлари схемаси

Пойабзал устки деталларининг қалинлиги бўйича текислаш учун ДП1 машинасидан фойдаланилади. Бунда, қўзғалмас пичок 1 га материал 3 (34-расм, а) ташувчи валлар 2 ва 4 ёрдамида узатилади.

Пастки гадир-будир юзали вал ҳар хил қалинликдаги деталларга кесиб ишлов бериш учун пружинали қилиб тайёрланган. Пойабзал устки материалларни иккига ажратиш ёки юпка қатламини кесишда қўзғалмас пичоклар ёрдамида амалга оширилади. Баъзан чангитиб кесилмас машиналар ишлаб чиқарилган. "Свит" фирмасида (Чехославакия) урнига тебранувчи пичок ёрдамида кесиш қўлланилади. Қўзғалмас пичокда материалларни кесишда кесиш бурчаги камаяди. Чангитиб кесиш буюмга ишлов беришда юкори узатиш тезлиги, кесилган материалнинг қалинлиги, натижада ишлов бериш сифатини таъминлаш масдан жихознинг унумдорлигини оширади.

га етказишда материал қаллиқлигини компенсациялаб туриши имкон беради.

СКОМ (АҚШ) фирмаси машиналарининг ишчи органлари лентали пичок 1 (34-расм, в), мажбурий ҳаракатда булган қозғалтувчи 2 ва пастки халқали 3 вал хизмат қилади. Хатқали пастдан ролик 4 лар мажмуаси билан тегиб туриб, уз навбатида пружина 5 иштирокида таъсир қилиб туради. Ролликлар сони халқалар сонига тенг бўлади.

"Фортуна" фирмаси (Германия) юпка ва фасонли иккига ажратувчи машиналарни чиқаради (34-расм, г), худди шундай детал контур буйича ишлов беради. Машинада юкори узатувчи вал ва поймабзал устки деталдан юпка қатлам кесиб олишни таъминловчи илғимлиривчи линейка 1 ўрнатилган.


Поймабзал устки ва остки деталларининг четини (юпкалаштириш) кесиш машинаси конструкциясининг асосий қисмини қосасимон илғимлаш қилади (35-расм, а). Поймабзал остки деталлари (орқалик, селла ва бошқалар) нинг четларини кесиш учун АСГ-12 машина қўлланилади. Материалларни айландувчи пичокка узатиш ботик (фасонли) ва каварик (гадир-будирли) ролликлар ёрдамида бажарилади.

Поймабзал устки деталларининг четларини кесиш машинаси остки деталларининг четини кесиш машиналаридан конструктив жиҳатдан шундаки, улар анча енгил конструкцияга эга ва мажбурий айландувчи фасонли роллик ўрнига-қисувчи тепки ўрнатилган (35-расм, б).

Деталларни қаллиқлиги буйича текислаб иккига ажратувчи лентали тақомиллаштирилган машиналар учун профилли (фасонли) текислаш янги усул ҳисобланади. Машинада юкориги узатувчи валик 3 қозғатмас линейка 6 мавжуд. Машинада деталларни контури ва қаллиқлиги буйлаб фасонли кесиш узгармас кесими узатувчи валикка қосасимон профилли шаблон-матрицаларни қўллаш натижасида бажарилади (36-расм).


Шаблон-матрицалар сунъий чарм ёки пластик материалдан тайёрланади. Шаблон-матрица буйича кесинишда материалларнинг бир

қозғалтувчи валиклар орасидан шундай утқазилдики, бунда шаблон-матрицанинг юзаси юкори узатувчи валикка тегиб туриши керак.



35 - расм. Поймабзал устки ва остки деталлари четларини кесиб машиналарининг ишчи органлари схемалари.

1 - материалнинг қирқилган қатлами; 2 - ел қозғалтувчи; 3 - ботик роллик; 4 - илғимлиривчи детал; 5 - қосасимон пичок; 6 - каварик роллик; 7 — тепки.




36 - расм. Поймабзал устки деталларига профилли узатувчи вал ёрдамида фасонли

қирқилш машиналарининг ишчи органлари схемаси. 1 - деталнинг устки бўлаги; 2 - деталнинг остки бўлаги; 3 - устки узатувчи валик; 4 - пичок; 5 - остки узатувчи (халқали) валик; 6 - линейка; 7 - шаблон матрица.

Профил ишлов бериш деталнинг четларини ва ички қисмларини кесиш операцияларини бирлаштириш имконини беради.

Бу усул юкоридаги профилли қўллаш билан поймабзал таглиги четларини профилли кесиш на қаллиқлиги буйича текислаш усулига ўхшашдир. Ўхшаш машиналарнинг

ишлаш принципи қуйидагича: агарда детал 2 ни (37-расм, а) про-
бушлик 1 га силжитсак ва детал четини форма текислиги
чиқариб қуйиб асосга қиссак, у ҳолда сд чизик бўйича жойлашган
4 деталнинг чиқиб турган қисмини кесиб ташлайди. Бу ҳолатда
органларнинг қўриниши схемаси 37-расм, б да кўрсатилгандай бў-
лади. Текис пойабзал таглиги иккита ёки битта профилли 3 ва эластик
ватиклар ёрдамида қўзғалмас урнатилган пичок 4 га узатилади.



37 - расм. Деталларни қалинлиги бўйича профилли текислаш машиналарни
ишчи органлари схемаси.

"Эихарт" фирмаси (АҚШ) машиналарида деталларни профилли
сиш ва текислаш учун диаметри 200 мм га тенг бўлган пулат кески
ёки жилвирли материалдан иборат дискли фреза қўлланилади. Текис-
билан бир вақтнинг ўзида таглик юзаси елим суриш учун тирналади.


Пойабзал таглиги илгариланма-қайтма ҳаракат қилувчи, с-
маҳкамланган матрица устига қўйилади. Матрица пойабзал та-
гликнинг қандайдир масофага ҳаракат қилади. Таглик фре-
за узатилганда эластик пружиналар ёрдамида матрицага босилади.

Матрица 0.5 мм қалинликдаги тўғри бурчакли формала бўлган
полистирол варақларидан тайёрланади. Варақлар улчами ва уларнинг
сони таглик улчами ёки қалинлигига қараб аниқланади.

Пойабзал ўстки деталларининг янги қўринишлари абразив тул-
дирилганлиги фрезанинг тез ёйилишига сабаб бўлади.

Резинанинг ҳар хил турларидан ва бошқа материаллардан олинган
пойабзал тагликлари айрим ҳолларда жилвирланади.

Фрезалаш операциясидан олдин жилвирлаш бир қанча эф-
фатли-
ларга эга: жилвирловчи тошлар фрезадан анча арзон, уларни тезлаш
татаб этилмайди. жилвирловчи тошларда ишлов бериш натижасида ма-
териалга қаттиқ босилмасда сифат даражаси юқори, пойабзал таглиги
формасига юқори даражада ишлов берилади (38-расм).




38-расм. Қўндаланг арикчаси 39-расм. Пойабзал ўстки детални тортишдан
жилвирлаш қилдираги четини тирналаш ҳалқачлари.

Жилвирловчи тошга қўндаланг ўйилган арикчалар кесиш жараёнига
ижобий таъсир кўрсатади. Жилвир тоши айланганда ундаги ва пойабзал
таглигидан чиққан чанг ва ифлосликлар шамол таъсирида чиқиб кетади
ва жилвир тошининг юзаси, ҳамда ишлов бериладиган материал
шамоллардан совиб туради, чанг ҳам ўз навбатида кам бўлади. Баъзи
машиналарда пойабзал ўстки деталнинг четлари ҳалқачалар ёрдамида
тирналади (39-расм). Ҳалқачалар асосан ягона олтига сектор 1 дан
тузилган мослама 3 дан иборат. Мослама 3 га маҳкамланган олтига

бармоқ 2 га пулат юлдузча 4 лар кийилтирилган. Юлдузчалар тешингача диаметри бармоқ диаметридан 2 мм га каттарок, шунинг учун айланмиш вақтида юлдузчалар ҳалқатари марказдан қочма куч таъсир қилганда бармоқ ўқларига нисбатан ён томонга эгилиб пойабзал устки деталга, натижада устки детал ҳеч қандай зарарсиз тирналанган. Секторлар пойабзал деталларининг нотекис юзлари учун таянч ҳисобланадиган ишлов бериш вақтида устки деталнинг томон ва бармоқ қисмлари нотекис, ғадир-будир юзларга юлдузчанинг санчилиб кетмаслигини таъминлайди. Пойабзал деталлари юзларини елимлашга тайёр тирнатарда металл чўткалардан (40-расм) ва катта улчамдаги жипс тошлардан ҳам фойдаланилади. Ишлов бериладиган буюмининг (пойабзал таглиги ёки устки детали) кўринишга қараб чўтканинг икки конструкцияси: ҳар хил диаметр ва узунликка эга бўлган халқат орасида қисилган пулат (40-расм, а), ва иссиқлик ёрдамида резина бириктирилган симлар (40-расм б) мавжуд.

Кейинги йилларда пойабзал деталларини ва ҳар хил турдаги металл буюмларини иккига ажратувчи ва турли хил профил (фланс)ларда кесиш, шунингдек текислаш зарурати ошиб бормоқда.



40 - расм. Материал юзасини тирналовчи метал чўтка конструкцияси

1 - симлар ўрами; 2 - шайба; 3 - га; 4 - втулка.


3.2. Материални кесишда таъсир қилувчи кучлар

Пичок учининг горизонтал ўққа нисбатан симметрик жойлашган ҳолдаги таъсир қилувчи кучларни кўриб чиқамиз (41-расм).

Агар пичок ўткир қисмининг иккала қиррасига материал томондан бир хил таъсир қилса, у ҳолда қуйидаги ишқаланиш кучи таъсир қилади:

$$T = N_1 \lg \rho$$

бу ерда N_1 - материалга пичок томондан таъсир қилувчи нормал куч; ρ - материал ва пичок орасидаги ишқаланиш бурчаги.



41 - расм. Кесиш жараёнида материалга таъсир қилувчи кучлар схемаси

Материал ва сурувчи валиклар орасида қаршиллик юзга келмаслигини таъминлаш, $S_0 = 2F_1 \cos \psi$ ташқи таъсир берилади. Узатувчи валиклар иккита бўлганда, материал йўналишига нисбатан ишқаланиш кучлари проекцияси қуйидагича бўлади.

$$F_1 = 2N_1 \lg \rho_1 \cos \psi$$

бу ерда $\lg \rho_1$ - материал ва валиклар орасидаги ишқаланиш бурчаги; ψ - валиклар марказлари ва радиусларидан ўтувчи чизиклар орасидаги бурчак; N - материалга валиклардан тушадиган радиал босим.

41-расмдан кўриниб турибдики, N босим кучининг горизонтал таъсир килувчилари материал ҳаракатига қарама-қарши таъсир қилади. Бу таъсирнинг киймати $2N \sin \psi$ га тенг.

Шундай қилиб, валиклар томонидан материал ҳаракат йўли бўйлаб таъсир қилувчи кучлар қуйидагича аниқланади:

$$S_{\text{вал}} = 2N(\mu \rho \cos \psi - \sin \psi)$$

Валиклар томонидан таъсир қилувчи кучлар мувозанат шартлари қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$S_{\text{вал}} = R_0 + RN_1 + R_2$$

Бу ерда R_0 - пичок тигига нисбатан материалнинг қаршилик кучи, RN_1 - тенг таъсир қилувчи нормал кучларнинг горизонтал проекцияси, R_2 - материал ва пичок орасидаги тенг таъсир қилувчи ишқал кучнинг проекцияси:

$$RN_1 = 2N_1 \sin \frac{\beta}{2}; \quad R_2 = 2T \cos \frac{\beta}{2} = 2N_1 \mu \cos \frac{\beta}{2};$$

$$S_{\text{вал}} = R_0 + 2N_1 \sin \frac{\beta}{2} + 2N_1 \mu \cos \frac{\beta}{2};$$

$$\text{у ҳолда} \quad S_{\text{вал}} = R_0 + 2N_1 \left(\frac{\sin \frac{\beta}{2} \cos \beta + \cos \frac{\beta}{2} \sin \beta}{\cos \beta} \right) = R_0 + 2N_1 \frac{(\cos \frac{\beta}{2} + \beta)}{\cos \beta} \quad (1)$$

(1) тенгламага биноан $S_{\text{вал}}$ куч R_0 ва N кучлар ошиши билан ўзгаради. Пичок қиррасининг бир томонига таъсир қилувчи N_1 ва N_2 кучлар таъсир қилувчи кучларини R орқали белгилаб, қуйидагича ёзамиз:

R кучни горизонтал $R_x = (S_{\text{вал}} - R_0)/2$ куч ва вертикал R_y куч билан таъсир қилувчиларига ажратамиз.

R куч бурчаклар кичиклашиши билан R куч ошиб боради. Валиклар томонидан материалнинг пичок тигига нисбатан қаршилиги камаяди. Валиклар томонидан материалга таъсир қилувчи умумий кучлар қуйидагига тенг бўлади:

$$R_{\text{вал}} = \sqrt{2R_x^2 + 2R_y^2} = \sqrt{\frac{2N_1 \sin(\frac{\beta}{2} + \rho)}{\cos \beta} \left[1 + \mu^2 \left(\frac{\beta}{2} + \rho \right)^2 \right]}$$

Бундан кўриниб турибдики, ишлов берилаётган материал валиклар пичок орасидан ўтаётганда материалнинг кенгайиши ва бўйлама қисқариши содир бўлмайди. Агар материалда кундаланг кенгайиши бўлмаса, у ҳолда R_k куч учун қуйидаги тенглама ўринлидир:

$$R_k = R_0 \cos(\frac{\beta}{2} + \rho)$$

Агар R_k ва R кучлар материалнинг кундаланг кенгайиши эффектига нисбатан аниқланса, у ҳолда қуйидаги ифода ўринлидир:

$$R_k = \mu R_0$$

бу ерда μ - ўлчамсиз кўпайтма.


Ҳақиқатдан ҳам кучлар билан биргаликда барча кўрсатилган кучлар таъсир қилади, шунинг учун

$$R_{\text{вал}} = R_0 + R_k = \frac{R_0 + R_k}{2} \left[\cos(\frac{\beta}{2} + \rho) + \mu \right]$$


Агар $\left[\cos(\frac{\beta}{2} + \rho) + \mu \right] \cdot \cos(90^\circ - \varphi)$ бўлса, қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{R_{\text{вал}}}{R_0} = \cos(90^\circ - \varphi) = \cos \varphi$$

Юқорида кўрсатилган барча омиллар пичокнинг ишлашига таъсир қилмайди. Яъни пойафзал деталларини иккига ажратишда, киррала-



42-расм. ДН машинада материални кесиш жараёнида тенг таъсир этувчи кучлар йўналишлари




43-расм. АСГ-12 машинасида материални кесиш жараёнида тенг таъсир этувчи кучлар йўналишлари

рининг кесишда ва бошқа кесиш жараёнларидир. Материалнинг пинисбатан таъсир кучи ундан пастга йўналган бўлиши мумкин (42-расм).

Пойафзал деталларини иккига ажратиш ва текислаш машиналарида тенг таъсир килувчи кесиш кучларининг йўналиши ва кийинги пичок тигига бураб солаш мумкин. Пойафзал устки деталларни кескиш машиналарида эса ҳаракатлантирувчи роликнинг айланма ўқининг пичокли вал айланиш ўқига нисбатан ўзгартириб солаш мумкин. Мисол тариқасида деталларнинг четларини кесувчи машиналар пичокли таъсир килувчи кучларни кўриб чиқамиз. Машинанинг нормал ишлатилишлов берилган материал ишчининг иштирокисиз (43-расм) солаш жойлашиши учун пичок 1 нинг материалга нисбатан ишқаланиши ва ҳаракатлантирувчи роликларнинг материалга нисбатан ишқаланиши кучлари пичок айланиш ўқига параллел йўналиши лозим. Бунга эришиш учун ҳаракатлантирувчи роликни бош вал 2 нинг айланиш ўқига нисбатан бурчак остида ўрнатилади. Бу бурчакни қуйидагича аниқлаш

$$\varphi = \arctg \frac{P_n}{P_{1p}}$$

Пичокнинг ўткирланиш бурчаги чархловчи айлана марказининг маркази А тўғрисида нисбатан ҳолатига боғлиқ бўлади (44-расм). Чархловчи айлана марказий координаталари, унинг диаметри ва пичок кесувчи қисмининг ҳолати орасидаги боғлиқлик қуйидаги тартибда аниқланади.



44-расм. АСГ-12 машинасида пичокнинг жойлашиш схемаси.

Пичокнинг ўткирланиш бурчагини аниқлаш учун А нукта О айлана маркази билан туташтирилиб, ОА га перпендикуляр ўтказилади. I-I пичок ўқи йўналишидан ва перпендикулярдан ҳосил бўлган бурчак пичокнинг икки тарафлама ўткирланган бурчаги дейилади.

АОУ учбурчакли координатлар системаси уринмадан ҳосил бўлган бурчак тангенси $Y=f(x)$ функцияси биринчи ҳосиласига тенг бўлади. Бу ҳосиладан бурчакни ва X ўқи йўналиши ва перпендикулярдан ҳосил бўлган бурчакни аниқлаш мумкин.

Чархлаш қурилмаси айланма тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Y^2 + X^2 = r^2$$

$Y=f(x)$ функцияни қуйидагича ифодалаш мумкин

$$Y = \pm \sqrt{r^2 - X^2}$$

Агар А нукта 44-расмда кўрсатилганидек тасвирланган бўлса, у ҳолда

$$Y = -\sqrt{r^2 - X^2}$$

Бу тенгламани дифференциаллаб, ҳосиласини аниқлаймиз

$$\frac{dY}{dX} = -\left(\frac{-2X}{2\sqrt{r^2 - X^2}}\right) = -\frac{X}{\sqrt{r^2 - X^2}} = \operatorname{ctg} \beta$$

Шу ердан

$$\frac{1g \alpha - 1g \beta}{1}$$

Пичокнинг ўткир бурчаги пичок тиғининг айланма марка жойлашишига ва айлана диаметрига боғлиқ бўлади.

Ўзатувчи валиклар марказларини туташтирувчи пичок қирра бўлган масофани аниқлаш.

Пойабзал деталларини кесиш машиналарида пичокни ўрнатишнинг ўзатувчи валикларга нисбатан оптимал ҳолати топилади.

Машинани соғлашда тиғидан текисликкача бўлган a масофа λ факторлардан бири ҳисобланади.

a масофанинг катталишиши материалнинг деформациялашиш кесиш еифати ёмонлашишига сабаб бўлади. Материалнинг куч татавклик хусусиятини йукотиш критик кучланиш дейилади ва формуласидан аниқланади:

$$\delta_{\text{кр}} = \pi^2 E / \lambda^2$$

бу ерда: E - материалнинг эластиклик модули;

$$\lambda = a / i$$

a - валик марказидан пичоккача бўлган масофа;

i - инерция радиуси.

Кесиш зонасидаги материалнинг кундаланг кесими инерция моментини шу кесиш юзаси F нинг радиус i га кўпайтмасига бўлади.

$$I = F \cdot i^2$$

Бу ердан туғри учбурчак учун инерция моментини топамиз.

$$I = bh^3 / 12, \quad aF = bh$$

Шунинг учун

$$i = \sqrt{\frac{I}{F}} = \sqrt{\frac{bh^3}{12bh}} = h / \sqrt{12}$$

га тенг бўлади.

b ва h - материал эни ва қалинлиги

Юқоридаги формулалардан қуйидагига эга бўламиз:

$$a = \pi E h / \sqrt{12} \delta_{\text{кр}}$$

Таъкиотчилар маълумотларига кўра, a - масофа шундай бўлиши керакки, ўтки валик ва пичок тиғи орасидаги минимал зазор кесиш текисликлари орасидаги масофадан катта бўлиши керак.


3.3. Пойабзал остки деталларига ишлов бериш машиналари

Умумий тушунча. Пойабзалнинг остки деталлари юқори деталларга бириктирилишдан олдин, уларга керакли бўлган ўлчамлар, форгалар ва хоссалар бериб ишлов берилади. Деталларга ишлов бериш текислаш, қалинлиги бўйича текислаш, четки қисмларини кесиш, сил-киташ, слимлаш, формага келтириш ва бошқа операциялардан иборат. Пойабзал остки деталларини қалинлиги бўйича текислаш ДН, ДН-1-0, ДН-2-0, ДН-3-0 ва бошқа машиналарда бажарилади.

Бу машиналарнинг йшлаши ва асосий механизмларининг конструкцияси бир хил. Технологик жараёнлар машиналарда қуйидагича бажарилади. Остки детал 5 бир-бирига қарама - қарши айланаётган қитта вал 4 ва 6 лар орасидан ўтиб (45-расм), қўзғалмас пичок 2 га атилади. Детал қалинлиги бўйича иккинга ажратилган кейин, юқори қисми 3 лоток бўйлаб детал йиғиладиган қутига, пастки қисми эса индидилар тушадиган махсус қутига тушади. Пастки пружинали вал 6 ш пайтида пастга босилиб деталнинг қалинлиги бўйлаб текисликларни компенсациялаб туради.

Пастда ДН машинасининг механизмлари туғрисида маълумотлар атирилган ДН машинаси станина қисмидан, бош қисмдан, пойабзал остки хом ашёсини автоматик ўзатиш қурилмасидан тузилган.

Машинанинг бош қисми (46-расм) унинг ишчи органларини би-китириб туриш учун хизмат қилади ва станинага нисбатан қўтарилиш и тушиши мумкин. Пастки ташувчи вал 9 электр юритгичи 19 дан



45-расм. Остки деталлар қаттиқлигини текислаш машиналари ишчи органлари схемаси


ҳаракатни олиб, муфта 18 орқали бош вал 20 га, ундан 17 ва 16 гилдиракларга узатади. Юқори етакловчи вал 34 га бош вал 20 ҳаракат 39, 40 ва 38-чи тишли гилдираклар орқали узатилади. Ҳар бир вертикал ҳаракат қилганда 39, 40 ва 38 тишли гилдиракларнинг вақт бир-бири билан илашиб туришини таъминлаши учун гилдирак 38 нинг ўқи 36 ва 37 ричакларга шарнирли боғланган. Вал 34 нинг подшипниклари 22 пружина 21 устида поналарнинг текислигида таянган ҳолда туради. Пастки вал 9 нинг подшипниклари пружина 13 нинг устида жойлашган. Пичок 30 кронштейн 24 га ёрдамида маҳкамланган.

Созланиши. Деталнинг қалинлиги ишлов берилгандан кейин 33 чизиклари бўйича аникланади, бу эса юқори вал 34 дан пичок тигигача бўлган масофага боғлиқ. Маховик 29 ни айлантирганда пичок 30 32 га уланган поналар 23 чапга ёки ўнг томонга қўзғалиб узини текислиги билан подшипниклар 22 ни туширади ёки уларни пружина таъсирида юқорига қўтариши мумкин.

Юқори вал 34 нинг пичок тиги 30 га нисбатан айқашлиги ўнг томонига резбалари бўлган тортки 32 ни бураб соланади. Пастки вал 9 га нисбатан пичок тиги 30 нинг параллеллиги ва улар орасидаги

масофа (0.3-0.4 мм) гайка 10 ёрдамида соланади. Ишлов бериладиган деталга вал 9 нинг берилган босими материалнинг зичлиги ва қаттиқлигига боғлиқ бўлиб, бу босим пастдан пружина 13 таъсиридаги втулка 12 ни бураб соланади.

Пичокнинг қиялик бурчаги винт 27 билан боғлиқ бўлган маховик гайка 26 ни бураб солинган сунг кронштейн 24 ни буриш билан соланади. Пичокнинг оптимал қиялик бурчаги $5-70^\circ$. Пичок тиги 30 дан 9 ва 34 валларнинг ўқи орқали утувчи текисликкача бўлган масофа 4-8 мм бўлиши керак, бу эса ўз навбатида кронштейн 24 даги винт 25 ни бушатиб пичокни ситжитиш йўли билан амалга оширилади.



46-расм. ДН машинасининг кинематик схемаси

Автоматик узатиш қурилмаси машинанинг бош қисмига маҳкамланган бўлиб, пойабзал остки тайёрламасини пачкадан дона-доналаб қўзғатувчи лента I орқали машинага узатиб туради. Лентани қўзғатувчи барабан 8, айланама ҳаракатни вал 9 дан 41, 42 ва

43 тишли гилдираклар оркали олади. Вал 7 пружина 6 ёрдамида босилади ва барабан 8 дан 45 ва 44 тишли гилдираклар оркали ҳаракатни олади (46-расм).


Созланиши. Лента 1 нинг таранглиги винт 4 ни бушатиб баранга ни силжитиш йули билан соланади. Пластика 2 баландлик билан гайка 35 ёрдамида остидан фақат битта детал утишига мўлжалланган. Массофа колдирилиб соланади ва фиксатор 5 билан қотириб қўйилади.

ДН машинасининг ишлаш вақтидаги носозликлар ва уларнинг сабаблари. Машина ишлаб турган вақтда қўйидаги носозликлар ҳолатлари кузатилиши мумкин:

Детал потекис кесилади. Асосий сабаблари: 9 ва 34 валларнинг пичок тўғри орасидаги параллеллик бузилган.

АСГ-12 русумли пойабзал остки деталларининг четки қисмларини кесиб машинаси

АСГ-12 русумли машинаси чарм ва сунъий материаллардан



47-расм. АСГ 12 машинаси ишчи органлари.

пойабзалнинг остки деталларини четларини кесиб қўлланади.

Машина технологик жараён қўйида тартибда бажарилади: тайёрлашнинг юз томонини юқорига қўйилади ва тайёрламанинг қисминини ён таянч 5 га тирас (48-расм), бир - бирига қарама - қарши айландирувчи юқори ва пастки роликларга узатилади. 2 роликлар деталнинг четини кесиб олади ва айлантирувчи қосим

пичок 1 га узатилади. натижада деталнинг пичок тўғридан пастки қисминини кесиб туширилади.

АСГ-12 машинаси қўйидагича тузилган.

Станина. Таянч плита 1 нинг устида жойлашган тўғри бурчакли тумба 5 ва баландлик бўйича соланадиган оёқ қўйиш 2 дан тузилган. Тумба 5 нинг ичида плита маҳкамланган бўлиб, унда электр юриткичи ўрнатилган. Тумбанинг олд деворида эса бошқарув панели 4 қўйиш маҳкамланган. Пастда чиқинди қўйиш 3 ўрнатилган (48-расм а).

Тумба 5 га юқори томондан стол 7 ва унинг устида қронштейн ва винтлар ёрдамида машинанинг бош қисми 11 маҳкамланган. Стол 7 га паст томондан силжитиш мумкин булган асбоб-ускуна солинадиган қўйиш устида эса қронштейн 8 да маҳаллий ёритиш лампаси 9 ўрнатилган.



Машинанинг бош қисми. Ичи буш қўйма ҳолда олинган қўйиш қўйишида бўлиб, унги ва чап томондан очиладиган қопқоқлар 10 маҳкамланган. Электр юриткичи шкивларидан тасмалар ечилгандан кейин машинанинг бош қисми жойлашган юқори бўлагини қўйиб механизмларни қўриш ва солаш мумкин. Бош қисмининг ичида пичок механизми, тезлаш тоши, юқори ва пастки ташувчи роликлар жойлашган.

Пичок механизми. Остки детал тайёрламасининг четки қисминини кесиб учун хизмат қилади. Қосиммон пичок (48-расм.б) айланма ҳаракатини электр юриткичи 1 дан тасмали узатма 43 орқали, корпус 45 подшипникларига ўрнатилган вал 44, бармоқли ярим муфта 46, поводок 47 ва шпиндел 48 дан олади. Шурулар ёрдамида бириктирилган пичок 4 ва шпиндел 48 корпус подшипниклари 3 да айланади.

Созланиши. Пичок 4 емирилганда ёки тезлаш керак булганда уни ташувчи роликларга яқинлаштириш керак. Бу эса корпуснинг пастки қисмига илашган тишли гилдирак 49 ни маховик 50 ёрдамида буриб тасмага оширилади.

Тезловчи механизм. Пичок ўтмаслашиб қолганда уни тезлаш учун қўйиш қўйилади. Тезловчи тош 18 айланма ҳаракатни электр юриткичи 1 дан тасмали узатма 41, шкив 37, ҳаракатни буриб берувчи роликлар 40

орқали утувчи думаток тасма 38 ва шкив 13 дан олади. Тезловчи
ва шкив 13 чапдан ричаг 35 корпусига жойлашган битта
шпинделга маҳкамланган. Ричаг 35 юкори ва пастдан эксцентрик



48-раси. АСГ-12 мишинаси кинематик схемаси

ишган маркадан кочма винт 33 учун конус тешикли бармоқ 34 га
осбаган бурилиш имкониятига эга.

Созланиши. Пичокни тезлаш бурчаги $15-18^\circ$ га тенг булиб, бу
ричакни ричаг 35 ни тезловчи тош 18 билан биргаликда чапга ёки унга
риб созлаш мумкин. Буни бармоқ 34 ни бураб амалга ошириш мумкин.
тезловчи тош 18 ни ричаг 35 билан биргаликда юкорига ёки пастга
жйтишни винт 33 ни айлантириб амалга ошириш мумкин. Пичок 4

винт 2 ни қотирган ватда тезланади. Бунда пружина 51 ричаг буради ва тезловчи тош 18 ни айланаётган пичок 4 га босади. Тошнинг пичокдан ажратиш учун винт 2 ни тескари томонга бушатиш кифоя. Тасма 38 нинг таранглиги дастак 39 ёрдамида созланади.

Пастки ташувчи ролик механизми. Тайёрламани пичок 4 катиш учун қўлланилади. Ташувчи гадир-будирли пулат ролик 7 ва валик 24 ва шарнир 21 орқали вал 25 дан айланган. Валик 19 га уланган. Валик 19 нинг охири 5 тутгич маҳкам бириктирилган. Тутгич 6 нинг иккинчи цилиндрик томони 9 тешигидан утиб серги 10 билан бириктирилган. Ричаг 9, 8 винтлар ёрдамида бурилиши мумкин.

Созланиши. Пастки ташувчи ролик 7 айланувчи уқининг бурчаги гайка 12 ни айлантирганда ўзгаради. Бунда винт 11 серги билан биргаликда тутгич 6 ва валик 19 нинг охири 5 ни буради. Пастки ташувчи ролик 31 га пойабзал остки тайёрламасининг ролик 7 босиш кучи пружина 17 нинг ўрами кучига боғлиқ. Бу эса тарок 16 жойини алмаштириш пули билан созланади. Машинанинг бош қисми ўйинча 14 га тегиб турган винт 15 ни бураб ролик 7 ни энг ҳолатга келтириши мумкин. Ролик 7 нинг пастки охири ҳолати детал тайёрламасининг қалинлигига боғлиқ бўлиб, иш давлати автоматик равишда ўзгариб туради.

Юқори ташувчи ролик механизми. Пойабзал остки тайёрламани пичокга узатиш ва кесиш профилини ўзгартириш учун қўлланилади. Ролик 31 айланма ҳаракатни тишли гилдирак 23 ва валик 25 орқали валик 24 дан олади. Ролик 31 ползун 27 га маҳкамланган ўқ атрафда бурилиб, қиялашиш имкониятига ҳам эга.

Созланиши. Кесиш профилини гайка 32 ёрдамида ролик 31 айланма ҳаракатни тишли гилдирак 23 ва валик 25 орқали валик 24 дан олади. Ролик 31 ползун 27 га маҳкамланган ўқ атрафда бурилиб, қиялашиш имкониятига ҳам эга.

Созланиши. Кесиш профилини гайка 32 ёрдамида ролик 31 айланма ҳаракатни тишли гилдирак 23 ва валик 25 орқали валик 24 дан олади. Ролик 31 ползун 27 га маҳкамланган ўқ атрафда бурилиб, қиялашиш имкониятига ҳам эга.

пастдан кутарганда пружина 28 таъсирида ролик 31 тезла юқорига тартилади. Дастак 30 ни юқоридан босганда ролик 31 пастга тушади.

АСГ-12 машинасида ишлов вақтидаги носозликлар. Машинанинг ишлов вақтида қўйиладиган носозликлар бўлиши мумкин:

Детал четларини тўлқинсимон кесилиши. Асосий сабаблари: пастки ташувчи ролик 7 ва валик 24 ва шарнир 21 орқали вал 25 дан айланган. Валик 19 га уланган. Валик 19 нинг охири 5 тутгич маҳкам бириктирилган. Тутгич 6 нинг иккинчи цилиндрик томони 9 тешигидан утиб серги 10 билан бириктирилган. Ричаг 9, 8 винтлар ёрдамида бурилиши мумкин.

Тезловчи механизм. Пичок ўтмаслашиб қолган пайтида уни тезлаш учун қўлланилади. Тезловчи жилвир тошнинг ҳаракатни электр юриткичидан олма орқали шкив, ҳаракатни узатувчи ролик орқали ўтувчи айлана тасма ва шкивдан олади. Тезловчи жилвир тош ва шкив битта вертикал шпинделга маҳкамланган.

Созланиш. Пичокнинг тезлаш бурчаги 15 - 18° га тенг бўлиб, тезловчи жилвир тошнинг ричаг ёрдамида ўнг томонга ёки чап томонга буриш билан созлаш мумкин. Винтнинг бураганда жилвир тош пичокка қийлашиб уни тезлайди. Винтнинг тескари томонга бураб эса жилвир тошнинг пичокдан ўзқлаштириш мумкин. Тасманинг таранглигини дастак қилиб созлаш мумкин.

Пастки пуналтирувчи ролик механизми. Тайёрламани пичокга узатиш билан биргаликда валдан кирмаксимон узатма орқали ҳаракатни тартилади.

3.4. Пойабзал устки деталларига ишлов бериш машиналари.

Йиғиш учун келтирилган устки деталлар тайёр ҳолатда бўлиши лозим. Қўпчилик ҳолларда ҳам ашё ёки пойабзалнинг устки деталларига ишлов цехидан ишлов берилади. М: номерлаш, четларини кесиш, четларига ишлов бериш, подкладка ораллиги билан олимош ва безаш.

Пойабзал деталларини йиғишда детал жуфтларини тез топиш, юрат қилиш осон бўлиши учун деталлар номерланади. Устки де-

ташларни номерлаш КДВ, КДВ - 1 ва 06049/РЗ (Украина) машина деталлар четини киркиш жараёнлари эса АСГ-13 ва 01146/Р5 (Украина) машиналарда бажарилади.

Пойабзалнинг қўриниши ва мустаҳкамлиги унга берилган ишчи боғлиқ бўлади, яъни ранглаш, четларини эгиш, четларини тикиш ва

Пойабзал устки деталларини эгишдан олдин чиройли кант килиб четлари киркилади. Устки деталларнинг қўринмайдиган чет калинликларини йукотиш учун киркилади. Бу жараёнлар АСГ - АСГ-13-1-0 (Россия), 01291/Р12 ва 01146/Р5 (Украина) "КАМОГА" (Италия), ЗС-РЗ "ФОРТУНА" (Германия) ва машиналарда бажарилади. Барча машиналарнинг ишлаш принциби бир хил. ЗС-РЗ ва АСГ-13 машиналарида киркилаётган қисм профилли автоматик узгартириш мумкин.

Пойабзал устки деталларининг четки қисмларини кесниш

АСГ - 13 машинаси.

АСГ - 13 машинаси натурал ва сунъий чармдан тайёрланган пойабзал устки деталларининг четларини киркиш учун қўлланадиган. Машина станнина ва бош қисмдан тузилган.

Станнина. Юпка пулатдан тайёрланган иккита тўғри бурчли тумбалар 4 ва 11 лардан тузилган (49-расм). Тумба 4 ва 11 юқоридан герметик кистирма орқали машинанинг бош қисмини ёритувчи чирок 7 ўрнатилган ёғоч копоқ 6 маҳкамланган.

Ўнг томондаги тумба 11 да узатма ва винтеляторнинг ёритгичлари, йирик чиқиндилар учун кути 12, шунингдек электр ва бошқарув панели 9 учун кути жойлашган.

Чап томондаги тумба 4 да филтрловчи (сукна) материалдан тайёрланган 12 та цилиндрлик қулоқ жойлашган бўлиб, бу қулоқ навбатида юқори томондан силжийдиган, пастдан эса силжимайдиган олиб маҳкамланган. Дастак 3 буралганида филтрловчи қулоқ чиқиндилар кутиси 2 га нисбатан силкинади.

Машина бош қисмида ўрнатилган қўйидаги асосий механизмлардан шунлар: пичок механизми, пичокни тезлаш механизми, пастки ташувчи валлик механизми, юқори қисми лапкаси.


АСГ-13 машинасида технологик жараён қўйидаги тартибда бажарилади. Ишлов бериладиган детал машинанинг бош қисмига шундай қўйиладиган, уни четки қисминини таянчга тираб юқори қисми тепкиси билан пастки йуналтирувчи ролик орасига узатилиши минималлаштириш керак. Ролик детални олиб олиб айланувчи косасимон пичокга узатади. Деталнинг пичок тигидан пастки қисми киркиб чиқарилади.

Машинанинг пичок механизми ва пичокни тезлаш механизмларининг конструкцияси ва созилиши АСГ-12 машинасининг механизмлариникига ўхшаш.

Йуналтирувчи ролик механизми.


Жилвирли материалдан тайёрланган ролик 2 (50-расм), унга босилиб турган қисми тепкиси 23 детални айланувчи пичок 3 га узатади. Ролик 2 электр юритгичи 1, тасмали узатма 31, вал 30, червякли узатма 18, валик ва шарнир 20 орқали айланма ҳаракат олувчи валик 11 билан ўрнатилган. Шарнир 20 ролик 2 нинг фазодаги ҳолатини сошлашга имкон беради.

Ролик 2 нинг ичида металл втулкаси бўлиб, ундай ўқ ўтган. Ўқнинг учи тутгич 4 га маҳкамланган. Тутгич 4 нинг цилиндрлик томони чаг 6 нинг тешигидан ўтиб туради. Цилиндрлик томоннинг охирига кита соловчи 7 ва 8 винтлар ёрдамида ричаг 9 маҳкамланган. Ричаг 6 нинг 5 ва ўқ 17 га ўрнатилган. Ричаг 6 нинг уйғига контргайкали винт котирилган резбали тешик мавжуд. Ўйқининг ўнг томонида тарок 14 ийиладиган штифт 15 қўйилган. Тарок 14 нинг охири пружина 16 дан уланган. Пружина ричаг 6 ни соат милага тескари йуналишда қўйишга ва ролик 2 ни пичок 3 га қўтаришга ҳаракат қилади.



49-расм. АСГ-13 машинаси.

Созланиши. Ролнк 2 ни айланиш укининг киялик бурчаги ни бураганда узгартирилади. Бунда рычаг 9 силжиб ролнк 2 ни соат йуналишига тескари буради. Винт 8 ни бушатганда винт 7 ёрда созланувчи пружина 10 ролнк 2 ни тескари йуналишга буради. Пружина 16 ишлов бериладиган материалнинг калинлиги қандай бўлмасин, ролнчка бир хилда босилиш кучини таъминлаб туради. Ишлов бериладиган детал қатта калинликка эга бўлса, у ролнк 2 ни босади, бунда рычаг 6 пружина 16 ни чузиб винт 5 ва ўк 17 атра бурчлади. Пружина 16 нинг кучи тарок тишлари 14 ни штифт алмаштириб қуйиш натижасида соланади.



50-расм. АСГ-13 машинаси кинематик схемаси

Юқори қисувчи тепки механизми. Тепки 23 ишлов бериладиган тепки ташувчи ролнк 2 га босиб берувчи юқори таянч уйсобланади. Тепкининг пастки ёй формасидаги юзаси ута силликланган булади. Тепкининг ҳолати ва формаси кесиш профилига боғлиқ булади. Қисувчи тепки механизмининг деталлари машина станинасига маҳкамланган кронштейн 27 нинг бошига жойлашган. Тепки бурчаклик 24 ўқига эркин ўнгилган. Бурчаклик 24 нинг бир томони цилиндрик қурилишга эга бўлиб, унга пружина 26 кийдирилган. Қисилган пружина 26 юқори қисмдан тикинга тиралиб, уни тепки 23 билан биргаликда, пастки қисмдан эса кронштейн 27 га қотирилган винт билан қутаришга тўғналади.

Созланиши. Тепкининг пастки ҳолати винт 28 ёрдамида таъминланади. Тепкини тез қутариш ёки тушириш учун ползунни қулачок


билан пастга босиб турувчи дастак 29 хизмат қилади. Тепкини бурчагини ўзгартира туриб бурчаклик 24 укига буриш ҳам мумкин.

01280/P1 (Австрия) русумли пойабзал деталлари четларини елимлаш машинаси


01280/P1 машинаси Австрияда ишлаб чиқарилган бўлиб, натурий чармдан пойабзал устки деталларининг четларини букиш хизмат қилади. Машинада букилган жойга елим суриш ва унга арқ елимлаш мумкин.

Асос. Тумба кўринишида бўлиб (51 -расм), плита 5 га урилган. Тумба 3 да устун 8 га таянган ҳолда қопқоқ 2 ўрнатилган. Машинанинг органиларини кўтариш ва машинани ишга қўшиш ёки ажратиб мулжалланган иккита бошқарув тепкиси мавжуд. Тумбада электрюртгич ва электржиҳозли қути 4 жойлашган. Қопқоқ устида букилган деталга қўл билан ишлов бериш учун эластик маҳкамланган.

Бош қисм. Қопқоқ 2 га болтлар билан бириктирилган машина бош қисми 1 да машина механизмлари жойлашган. Машинада нолопик жараён қуйидаги тартибда бажарилади. Елим сурилиб бўлган ишлов бериладиган детал стол 7 (52-расм) нинг устига юз томонига пастга қаратиб қўйилади. Детал четининг бошланғич қисми қўлга букилади ва букилган қисмини тепки 2 нинг остига киритиб йўналтирувчи таянч 5 га тираб қўйилади, детал контурининг четларини букилган жойни чегаралаб турувчи 3 га тегиб туриши лозим. Кейин деталнинг четини қўл билан таянч 5 га йўналтириб, ўнг тепкини босиб машина иш режимига қўйилади. Натижада деталнинг чети букилган болғачча 1 билан туйилади, ҳамда лапка 2 ва ташувчи 6 билан деталнинг силжиши содир бўлади.



51-расм. 01280/Р1 русумли машинаси



52-расм 01280/Р1 русумли машинаси ишчи органлари

Агар пойабзал устки деталининг чети мустахкамловчи тасма букилса, у ҳолда машинанинг бош қисмига елим солинган идиш, йуналтириб берувчи ва ғалтакли кронштейндан тузилган ўрнатилади. Ғалтакдан идишнинг трубкаси орқали тасма елим тўйинтирилиб йуналтирувчи 4 орқали деталнинг букилган узатилади.

IV БОБ ТИКУВ МАШИНАЛАРИ

4.1. Тикув машиналари ҳақида умумий маълумотлар

Ҳозирги пайтда фирма ва заводларда ишлаб чиқарилаётган машиналари рақамлар ва ҳарфлар билан белгиланади.

Бу рақам ва ҳарфлар орқали машиналарнинг техника-технологик параметрларини аниқлаш мумкин.

Россиядаги Подольск тикувчилик машинасозлик корхонаси тикув машиналари синфи бир рақамли, саноат тикув машиналари икки рақамли тартибда белгиланган (масалан, 2, 22, 26, 51 ва ҳоказо). Агар шу машиналар асосида бошқа вариантлари яратилган бўлса, 22-А, 22-Б, 26-А, 51-А русумли тикув машиналари, деб ҳарфлар белгиланар эди.

Кейинчалик янги яратилган еки такомиллаштирилган машина вариантларига эса 2 рақамдан бошланган тартиб номери ва 8 рақам қўшиб белгилашга қарор қилинган. Масалан: 1276-1, 1276-2, 1823, 2823, 3823 ва ҳоказо. Айрим ҳолларда моки баҳя қатор килиб тикувчи икки игнали тикув машиналари русумига орасидаги масофани белгилувчи рақам купайтириш белгиси киритилган. Масалан, 852 х 38, 852-1х10. Автоматик тикув

машинаси ўрнатилган тикув машиналари русуми белгиланиши нол билан белгиланади.

Орша (Белоруссия) енгил саноати машинасозлик корхонаси ҳам ушбу машиналарига шу йўсинда қуйидагича белгилашлар қўйган: моки баҳяли тугри баҳяқатор юрнатишган 97-А русумли тикув машинаси; газламани салки ҳосил қиладиган 297 русумли тикув машинаси; газлама четини қирқишга мўлжалланган 397-М русумли тикув машинаси; газламани дифференциал сурувчи 697 русумли тикув машинаси ва Ростов-Дон енгил машинасозлик заводи ўзининг тикиш ва мўлжаллашга мўлжалланган машиналарини вазифасига қўра рақам ва ҳарфлар билан белгилайди (масалан, 408-АЭМ, 508-М ва ҳоказо).

"Паффа" (Германия) фирмаси тикув машиналари 22 та рақамли белгиланишга эга. Масалан, 142-732/09-263/02-900/05 BS х 10 тикув машинаси белгиланиши қуйидагича таҳлил қилинади: (1)-икки игли моки баҳя ҳосил қилиб тикувчи, (4)-текис платформали, (2)-тебранма қаратилувчи игнали, газламани остки рейка орқали сурувчи икки игнали, (732/09)- газлама четини қирқувчи қўрилмати, (263/02)-чунтак қирқувчи қўрилмали (900/05)-игли қирқувчи пичокли, (В)-қалинлиги 10 мм га тенг.

"Текстима" (Германия) машинасозлик бирлашмасида ишлаб чиқариладиган тикув машиналари 2 гуруҳ рақамлар билан белгиланади. Масалан, 8332/3355 русумли тикув машинасида 8332-синфий белгиси соналса, 3355-техникавий ва технологик маълумотларини билдиради. (3)-моки баҳяли, игли найчага ўраш механизми, (3)-газламани суриш ва газламанинг чеккасини кесувчи пичок механизми, (5)-қирқувчи, игна ҳолатини таъминловчи, тепкини қўтариш ва қўтариш механизми, (5)-қалинлиги 5 мм гача бўлган газламани тикувчи машина эканлигини аниқлатади.

